



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 45 (4547)
2019 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ

ТАРИХИЙ КУН ёхуд она тилинг омон бўлса...

Бу кунни ҳеч қачон унутмасам керак. Махсус автобусларга ўтириб, "Тошкент-Сити" марказига кириш, у ерда қад кўтарган бинолар, сув воситасида бунёд этилган ариқ ва фавворалар кўнглимга шундай қувонч, гурур ва сурур бағишлайдики, Ч.Айтматовнинг "Биринчи муаллим" қиссасида айтилганидек, "Сувжон" деворингиз келади. Лекин қизиқки, бундай ифодани қиссанинг на қирғиз, на рус тилидаги наширдан излаб овора бўлманг, у ерда йўқ, у фақат Асил Рашидов таржимасида, она тилимиздаги қиссада мавжуд, холос. Ёки "Жамила" қиссасида ҳикоячи Сеит "Жамилага бошқалар қилиб, Дониёрбой кўз тикса-я" дер экан, бу ердаги "бой" қўшимчаси билан берилган лак-лак маънони бошқа биров тил бера олсинчи? Бера олмайдими. Бунда таржимон маҳорати билан бирга она тилимизнинг чексиз бой имконияти муҳасаммидир.

"Сувжон"ни томоша қилиб, чексиз завқ туйиб марказнинг мухташам залига кириш ва Президентимизнинг "Миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли" деб номланган маърузасини эшитдик. Ишонасизми, бир неча бор кўзимга ёш қалқди. Бўлар экан-ку, она тилимизни Давлат микёсида бошга кўтариш мумкин экан-ку. Яратганга шукр!

Маърузада айтилган, шу кунни имзоланган ва унда 21 октябрь "Ўзбек тили байрами кун"и деб

қонулаштирилган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени, тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони ва ундаги қатор амалий чоралар бу кунни тарихий кун дейишга тўла асос беради.

Шу кундаги Президентимиз маърузаси ва Фармон бутун халқимиз, хусусан, биз зиёлилар зиммасига жуда катта юк, вазифа қўйди. Қилинадиган ишлар шу қадар кўпки, уларни амалга ошириш учун сиёсий ирода, қуч-қувват ва миллий ғайрат керак. Барча саъй-ҳаракат ўзбек тили, она тилимиз

мустақил Ўзбекистон Республикасининг том маънодаги давлат тилини жаҳоний фан ва буюк адабиёт тили қилиш томон йўналмоғи зарур.

Шу ўринда икки масала бўйича ўз мулоҳазаларимни айтсам. Биринчиси, ўзбек тилининг мукамал изохли лугатини яратиш ҳақида, иккинчиси, ўрта таълимни, албатта, она тилида олиш тўғрисида.

1. Совет даврида узок йиллар мобайнида она тилимизнинг изохли лугати тузилмади, фақат 1981 йилга келиб Москвада, "Рус тили" нашриётида икки жилдли "Ўзбек тилининг изохли лугати" нашр этилди. Шу лугат асосида, муайян янгилашлар билан 2006–2008 йилларда беш жилддан иборат "Ўзбек тилининг изохли лугати" босмадан чиқди. Лугатларнинг биринчисида 60 минг сўз ва сўз бирикмаси, иккинчисида 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, бор деб қайд этилган. Лекин гап шундаки, биринчисида ҳам, айниқса, иккинчи изохли лугатда кўрсатилган микдорнинг ярми ҳам йўқ. Бу ҳақда марҳум академик Эргаш Фозилов махсус мақола ёзгани кўпчиликамга маълум. Гап ҳозир ўтмишни қовлашда эмас, масала она тилимизнинг нуфуз ва шукухига мос мукамал изохли лугат яратиш ҳақидадир.

► 2

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов асарлари тақдимоти ўтказилди



2019 йил 30 октябрь кун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов асарларининг халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини мустақамлашдаги аҳамиятига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Мазкур анжуманда Туркменистон Президенти каламига мансуб "Маданият — халқнинг бебаҳо жавоҳири", "Туркман маданияти", "Тинчлик мусикаси, дўстлик ва биродарлик мусикаси", "Бахши — халқ бахтининг дарақчиси" китоблари ҳақида сўз борди.

Қардош туркман халқи илдизлари бир неча асрлар қаърига туташган бой маданият, қадрият ва аъёналарга эга. Г.Бердимухамедовнинг туркман, инглиз ва рус тилларида чоп этилган "Маданият — халқнинг бебаҳо жавоҳири" китобида туркман халқининг миллий маданияти ривожлантириш борасида улкан микёсдаги ишларни амалга оширгани ҳақида ҳикоя қилинади. Китобда муаллифнинг туркман миллий маданиятининг ўзига хослиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига кенг ўрин берилган. Мамлакат раҳбари мустақиллик йилларида босиб ўтилган тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилиш билан бирга, маданият ва санъат соҳаси ҳодимлари олдида янги-янги вазифаларни қўйган. Муаллифнинг маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш борасида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари ўзининг долзарблиги, қўлам-дорлиги билан ўқувчи эътиборини тортади.

Туркменистон Президентининг машҳур туркман мусикачиси Шукур бахши ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинган "Тинчлик мусикаси, дўстлик ва биродарлик мусикаси" номли китоби ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Сир эмас, туркман ва ўзбек халқларининг маданияти ва санъати асрлар давомида уйғун ривожланиб, бир-бирини тўлдириб, ўзаро чамбарчас боғланиб келган. "Ўрўғли", "Авазон", "Ошиқ Ғариб ва Шохсанам", "Хондалли" каби достонлар ҳар бир ўзбек ва туркман учун бирдай қадрият. Халқ бахшилари ва созанда-лари томонидан юксак маҳорат билан ижро этилган куй ва қўшиқларда оддий инсонларнинг қувонч ва кайғулари, оғриқ-муаммолари, қалбидagi нозик кечинмалар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Китобда қардош туркман халқининг қадимий тарихи, маданияти, ўзига хос қадрият ва аъёналари ҳақида бой маълумотлар жамлангани, шунингдек, муаллифнинг туркман халқи санъатининг дунё маданиятида тутган ўрни ҳақидаги теран мулоҳазалари алоҳида эътиборга моликдир.

Гурбангули Бердимухамедов "Туркман маданияти" номли асарида кўп минг йиллик миллий маданий мероснинг туркман жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва ма-

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли ўзбек ва туркман халқлари ўртасида ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби маданий-гуманитар йўналишдаги алоқалар ҳам бутунлай янги босқичга кўтарилди.



даният соҳасида давлат сиёсатининг устувор вазифалари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этади. Муаллиф бу ўринда туркман миллий маданияти энг қадимги давр — пивилизация ўчоқларининг юзага келишидан бошлаб, бутунги қундаги ривожига чад урғу беради. Бир сўз билан айтганда, туркман миллий санъати халқнинг ижодкорлик даҳоси махсули сифатида темирчи, кулол, тўқувчи, заргар, қурувчи каби ҳунарманд ва меъморлар касбий аъёналарининг авлоддан-авлодга ўттиши негизда ривожланиб борган. Китобда буларнинг барчаси ранг-баранг миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида таъкидлаб ўтилган.

Муаллифнинг миллий қўшиқчилик ва мусика тарихига бағишланган "Бахши — халқ бахтининг дарақчиси" китоби туркман мусика санъати тарихини чуқур тадқиқ этиш ва ўрганиш асосида яратилган. Хусусан, китобда миллий куй ва макомларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилинган. Бахшиларнинг туркман маданияти ривожига тутган ўрни, бу борадаги устоз-шогирд аъёналари ва турли ижодий мактабларнинг юзага келишига муаллиф алоҳида эътибор қаратган.

Маънавий-маърифий тадбирда мамлакатимизнинг танлики маданият ва санъат намоёндалари, ёзувчи-шоирлар, профессор-ўқитувчилар, Туркменистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Туркменистон Президенти китобларининг юксак бадий ва илмий-оммабоп қимматга эга эканини алоҳида таъкидлаш билан бирга, кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстона алоқалар изчил ривожланиб бораётгани ва ҳар иккала мамлакатда маданият ва санъат соҳаларини янада юксалтиришга катта эътибор берилаётганини мамнуният билан қайд этдилар. Тадбир сўнггида ўзбек ва туркман миллий куй-қўшиқлари янгради.

ҚАЛБЛАРГА КЎЧГАН СИЙМО

Ўзбек миллий театр даргаларининг санъатимиз тараққиётидаги ўрни, уларнинг соҳа ривожига қўйган улкан ҳиссасини эътироф этиш, ёш авлодни аждодлар ҳаёти ва ижодида ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида юртимиз театрларида мунтазам равишда турли тадбирлар, анжуманлар, хотира кечалари ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Театр Арбоблари уюшмаси, Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбек миллий академик драма театри ҳамкорлигида "Қалбга кўчган сиймолар" туркумида таъкил этилган таниқли санъаткор Гани Аъзамовнинг 110 йиллигига бағишланган хотира кечаси ана шундай тадбирлардан биридир.



Ўзбекистон халқ артисти, бетақдор актёр, Миллий академик драма театри сахнасида ранг-баранг образлар яратиш, халқ меҳрини қозонган устоз санъаткор Г.Аъзамов 1909 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Дастлаб театр актёрларига лотин ёзувидан сабоқ бериш учун муаллимлик қилган инсон бир умрга театр санъати билан боғланиб қолади. Ижодий фаолиятини оммавий сахналарда катнашишдан бошлаган Г.Аъзамов илк бор "Қалтис ҳазил" (Уйғун) комедиясида Мамарасул образида чиқиб, катта муваффақият қозонди.

Устоз санъаткор 60 йиллик ижодий фаолияти давомида "Қўтлуғ қон", "Қонли сароб", "Алишер Навоий", "Тоға-жиянлар", "Сўнгги нусхалар", "Ревизор", "Олтин девор", "Қуёв" каби юздан ортиқ спектаклларда турли образларни сахнага олиб чиқди. Гани Аъзамовнинг кинодаги, телевидениедаги, "Наштар" ҳажвий киножурналидаги бетақдор образлари ҳамон мухлислар ёдида.

Ўзбек миллий академик театрида ўтказилган хотира кечасини Театр Арбоблари уюшмаси раиси, танлики санъаткор Ёкуб Аҳмедов очиб берди. Тадбирда катнашган пойтахт театрлари, жумладан, Муқимий номидаги мусикали театр, Ўзбекистон давлат Рус драма театри, "Дийдор" театр-студияси, Ўзбек давлат драма театри, Сатира театри, Тошкент Оперетта театри вакиллари, Н.Пирматов, А.Шомаърупов, Г.Худойназаров каби таниқли санъаткорларнинг чиқишлари йилгиланларга хуш кайфият бағишлади. Айниқса, Миллий театр ижодкорларининг Г.Аъзамов сахнада яратган образлари асосида тайёрлаган сахна кўриниши, халқимизнинг сеvimли санъаткорлари Рихси Иброҳимова, Ёдгор Саъдиев, Эркин Комиловнинг устоз ҳақидаги хотиралари йилгиланларда чуқур таассурот қолдирди.

Улуғ актёр, айна пайтда камтарин инсон, миллий театр санъатимизнинг ёрқин намоёнаси, устоз Гани Аъзамовнинг хотираси халқимиз қалбига сақланиб қолади. Зеро, инсон ҳаёти яшаган фурсати билан эмас, қилган эзгу ишлари билан ўлчанади.

Г.УМАРОВА

ЛОҚАЙДЛИК ИНСОНИЯТ ФОЖИАСИДИР

Республика Маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботчилар жамияти томонидан "Ўзлгининг асра, ўзбеги!" ҳоси асосида жамиятимиздаги иллатларга қарши тарғибот акцияси доира-сида маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси Аҳмаджон Мелибоев, Феруза Акрамова, Фарҳод Бобожон, Мунира Қаҳҳорова мавзу атрофидаги муам-молар юзасидан маъруза қилди.

Тинчлик — буюк неъмат. Уйимизни, ўзимизни, ўз-лгимизни асраш бахтли келажагимизга хизмат қила-ди. Оилани сақлаш — ўзлгини сақлаш. Инсонга ақл, кўз, қулоқ ва қалб каби неъматлар бежизга ато этилмаган. Қалб ва ақл ҳакни англамаса, кўз ибрат назари билан қарама-са, қулоқ ҳакни тингламаса — уларнинг қиймати қанча?

— Афесуски, ҳаётимизда хали-ҳануз беғамлик, лоқайдлик, содир бўлаётган ҳодисаларни кўриб кўр-масликка олиш каби иллатлар мавжуд, орамизда "тинч-лик ва осойишталиқни таъминлаш фақат давлатнинг иши, бунинг менга дахли йўқ" деб ўйлайдиганлар ҳам бор, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила"

илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассиси Феруза Акрамова. — Фарзандларимиз урдабурон, ватанпарвар ёшларга айланиши, уларни фидойилик, ватанпарвар-лик, тадбиркорлик, миллатпарварлик, садоқатга ўрга-тиш кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ. Ёшларимиз турли мутаассиб гуруҳлар таъсирига тушиб қолмас-лиги учун уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, касб-хунар, фойдали меҳнатга ўргатиш, турли тўғара-қлар фаолиятини жонлантириш, спорт клубларида ку-лай имкониятлар яратиш бериш муҳимдир.

Тадбирда "Маънавият тарғиботчиси" таълим муас-сасаси тингловчилари ҳам иштирок этди. Улар бугунги кунда тезлик билан урчиб бораётган бир қанча салбий олатларни бартараф этиш борасида ўз тақлифларини билдирди.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА мухбири

САВОБЛАРНИНГ ЭНГ УЛУҒИ

Савоб — халқимиз юксак қадрлайдиган ноёб қадриятдир. Йил-ганини суяш, йўлини йўқотганга йўл кўрсатиш чинакам инсоний фа-зилат. Жорий йилнинг 30 май кунини Яқин Шарқнинг қуролли низо-лар кечаётган ҳудудларида қилиб кетган 156 нафар ўзбекистонлик фуқарони ватанига қайтариш бўйича амалга оширилган "Меҳр" ин-сонпарварлик тадбири тарихда мисли кўрилмаган хайрли иш бўлди. Адашганларни тўғри йўлга бошлаш, машаққатлар гирдобига тушиб қолган кишиларга ёрдам қўлини чўзиш — Президентимиз олиб бора-ётган инсонпарварлик сиёсати ана шу асосларга таянади. Айтишга осон, ногаҳоний адашув қурбони бўлган ночор ҳолатдаги ватандош-ларимизни оловнинг ичидан олиб чиқиш, ҳаётини изга солиш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Юртбошимизнинг тарихий аҳамия-ти бекиёс бўлган бу ишлари миллионлаб одамлар кўнглида акс садо берди. Ҳатто халқаро микёсда эътироф этилди. Бирлашган Миллат-лар Ташкилотининг Бошлар жамағараси (UNICEF) вакили Сасча Грауманнинг ўша кунгиде олов қомидан қайтган болаларга психоло-гик ёрдам кўрсатиш тақлифи билан чиққани бунинг исботидир. "Биз Ироқ ва Сурияда ўта оғир шароитларда қолаётган ва ЮНИСЕФ то-монидан топиладиган ўзбекистонлик болаларни эвакуация қилишда Ўз-бекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёرمىз", деган сўзлари унинг эътирофи самимий эканини кўрсатади.

► 2

Александр ФАЙНБЕРГ
таваллудининг 80 йиллиги
ВАТАН

Қуёшли, тўртбурчак далалардан то
Тизма тоғларгача чўзилган Ватан —
Йўлларнинг гирдида бўлиб гиргиттон
Гумбаздек тераклар турарлар қатор.

Далаларни кездим қадам-бақадам,
Теодолит кўтариб, ўлчамим таноб.
Лойсувоқ уйларида смирдим чалоб,
Эшиксий ховлилар очкидир мудом.

Мушфик юрт. Шу ерда наслу насабим —
Ўзбекистондадир ҳоким, туробим.
Ҳой, Европа! Мени тинглайсан сен ҳам.

Мағрур парвоз этар бургут фалакда.
Ўт тишладим. Лабда шўр кўз ёш. Бу дам
Ҳам дардни, ҳам бахтни туйдим юракда.

► 3

ТАРИХИЙ КУН ёхуд она тилинг омон бўлса...

Бошланиши 1-саҳифада

Таникли тилшунос ва лугатчи олим Бердак Юсуфнинг маълумотига кўра, “Турк тилининг изоҳли лугати”да 240 минг сўз бор экан. Қозок кардошларимиз ўз тилининг 15 жилдан иборат изоҳли лугатини яратибди. Нима, бизнинг тилимиз турк ва қозок тилидан шу қадар кам-бағалми? Ўзбек тили уч буюк лаҳжа – карлук, кипчок ва ўгузни ўзида жамлаган бўлса, турк тили асосан ўғуз, қозок тили кипчок лаҳжаларига таънади, холос-ку. Бунинг устига турк тилининг изоҳли лугатиди 240 минг сўздан камда 200 мингги бизнинг тилда мавжуддир, хойнаҳой. Булар бир-бирига яқин тиллар-ку. Шундай экан, изоҳли лугатимиздаги сўзлар 40 мингга ҳам етмаслиги бизнинг миллий гуруримиз кемтиклиги ва қунтсизлигимиздан бошқа нарса эмас.

Таклифим: 30 жилдан иборат “Ўзбек тилининг мукаммал изоҳли лугати”ни яратибди худки билан киришмоқ даркор. Айрим тилшунослар бунга (30 жил) шубҳа билан қарашлари мумкин. Лекин ишонаманки, астойдил тадқиқот ва изланиш олиб борилса, бизнинг изоҳли лугат сўз бойлиги жиҳатидан турк тили изоҳли лугатидан бир неча баробар бой бўлишига шубҳа йўқ.

2. Ҳозир расмий ҳисоб-китоблар бўйича бир миллиондан ортиқ ўзбек боласи бошланғич таълими рус тили мактабларида оляпти экан. Ҳозир мустақил Ўзбекистонда таълим рус тилида олиб борилаётган мактаблар сонини ўзбек тили мактаблардан ошибди. Рус тилидаги боғчалар ҳам сон мингта.

Бу нима, мамлакат рус тилига юз бурмокдами? Ўзбекистонда давлат тили қайси тил? Лоқайд бир кимса: ваҳима қилманг, болаларимиз рус тилини мукаммал эгаллашса нима бўлибди, дейиши мумкин. Гап фақат тилда эмас, тил орқали шаклланидиган руҳиятда. Ўзбек боласи боғчада ва мактабда бошланғич таълимини она тилида эмас, бошқа тилда олар экан, бу унинг руҳиятида ҳалокат (бўрттиратганим йўқ, руҳшунослар хулосаси шундай) содир бўлади, дегани. У бошқа одам бўлиб қолади, ўша бошқа тилининг асирга айланади, ўзбеклиги қолмайди ҳисоб.

Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

Кино муҳим тарғибот воситаларидан бири, унинг маънавий-мафкуравий, диний, ахлоқий ва ҳоқадо соҳаларда оммага таъсир кўрсатиш имкониятлари жуда кенглиги аён ҳақиқат. Одамлар қизиқарли киномни қизгин муҳокама қилишади, узок вақт гапириб юриши, бошқаларга кўришни тавсия қилиши ҳам бежиз эмас.

Тунов кунини хорижий киноижодкорлар ишлаган Робин Гуд ҳақидаги кинофильмининг кўриб, шу гаплар эсга тушди. Бу фильм тарих, мафкура, дин, инсонийлик, миллат, қадрият, ҳоқислик, маҳорат ҳақида узок фикр юритишга қорлайди. Робин Гуд – халқ қаҳрамони, қасоскор, унинг бойлар мол-мулкани торттиб олиб, факир-бечораларга улаштириш собик шўро мафкурасига уйқашлиги учунми, ҳар ҳолда, бундан қирқ йиллар илгари ҳам тез-тез намоёйиш этиларди. Энди бу фильм замонавий талаб ва технологиялар ёрдамида қайта суратта олинди.

Турк ва қорейсларнинг тарихий мавзулардаги сериалларидан сўнг бизда ҳам тарихий мавзудаги фильмларга қизиқиш ортиб бораёттир. Яқин орада ўз тарихимиз ҳақида ана шундай қизиқарли ва таъсирчан кинолар суратта олинмишдан умидворимиз.

Робин Гуд киноси маҳорат ила ишланган, айниқса, тарихий ва диний фактларга ҳоқис ёндашилгани билан янада аҳамиятли. Тарихдан маълумки, диний таълимнинг асл маъноси ўзга эътиқоддагилар томонидан қўп марта бузиб, нотўғри талқин қилиб келинган. Насронийлик тарихида инсоният учун фожиами ва аянчли давр ҳисобланган салб юришлари бунга ёркин мисол бўла олади. Фаластин ерларида уч диний эътиқод вакиллари тинчлик ва тотувликда яшаб турган бир пайтда Оврупо насронийларининг айрим диний ва сиёсий раҳбарлари Қуддус устига салбчилар юриши ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. 1095 йилнинг 25 ноябрыда Клермондаги епископ бош буртоҳонада Папа Урбан II насронийларни ҳарбий юриш қилиб, “Муқаддас заминини мусулмонлардан қутқаришга” ҳаққариди. Оврупоининг барча бурчакларидан тўпланган юз мингдан зиёдрок кўшин Шарқнинг беҳисоб бойликлари таъмасида йўлга чиқди. Оқибатда улар қалами етган жойлар даҳшат ва шайқатсизликка дучор бўлади. Мусулмонлар қўл остида тинчлик ва аҳиллик таъин қўлган Қуддус қонхўрлик майдонига айланади. Салбчилар шаҳар аҳлини аёвсиз қиличдан ўтказишади, тарихда халқ кўз қўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар содир этадилар. Насроний тарихчиларидан бирининг ёзишича, “улар шаҳарда учраган барча

араблар ва туркларни... эркак ёки аёлликка қарамай ўлдиришди, ҳеч нарсани ҳисобга олмай, ёппасига қиришди”. Орадан асрлар ўтиб, салбчиларнинг жиноятлари ҳозирги замон насронийлари олий раҳбарлари ва жамоатчилиги томонидан эътироф этилди.

Фильм ана шу тарихий давр манзаралари билан бошланади. Қуддусга кўшин торттиб келган Англия қироли Ричард Шерюрак аскарлари сафиди асқола оила фарзанди Робин Гуд ҳам бор эди.

Таникли саркарда ва сиёсий арбоб, Қоҳира султони Салоҳиддин Айюбий Яқин Шарқдаги мусулмон амирликларини бирлаштириб, 1187 йил 3 июлда Жалила (Генисарет) қўлидан ғарбқордаги Хиттин қишлоғи яқинида бўлган жангда салбчилар қўшинига қашқатқич зарба беради. Салбчиларнинг икки бош кўмондони Рено Шатильонский ва қирол Ги де Лузиньян асир олинди, Салоҳиддин Айюбийнинг хузурига келтирилади. Тафтишдан кейин мусулмонларни қийнокка солиш ва қиргин қилиш билан ёмон ном чиқарган Рено Шатильонскийни қатл қилишга қарор қилинади. Қирол Гини эса, айби бўлмаганлиги учун озод қилиб юборди.

Салбчилар қўшини ҳам қилмишларига яраша шайқатсиз интикомга маҳкум эди. Аммо мусулмонлар юксак инсонпарварлик намоён этиб, дегарли барча асирларни озод этиб юборди.

Бундай жўмардликдан қаттиқ таъсирланган қўлла салбчилар, хунрезликларидан пушаймон бўлиб, орта – Оврупога қайтадилар. Улар қаторида Робин Гуд ҳам бор эди. Энди унинг онги-фиқри тинчлашган, инсонлар миллати ва динидан қатъи назар, дўстликда яшашни лозимлиги, қуч билан эътиқодга қарши курашиб бўлмаслигини чуқур англаган эди. Унинг дўсти, Азим ибн Башар ал Бакир исми мусулмон йигит ҳам Англия тупроғига қадам қўйди.

Фильмнинг мана шу жойидан бошлаб, икки дин, эътиқод вакиллари ўртасидаги зиддият ва тафовутлар баҳо-

ли қудрат очиб борилади. Ватанидан олисдаги бегона юртни “ёзод этиш” юришидан шарафсиз ва ноумид қайтган рицарларни ўз юртида аянчли манзаралар қутарди. Англия халқи оч-яланғоч, граф ва шерифлар зулми, жаҳолат, жодугарлик ва пиёнисталик ниҳоятда авж олган эди. Олис мусулмон ўлка аҳлининг юксак илм-маърифатини кўрган Робин Гуд, ўз ватандошларининг буткул оми-саъодатсизлигидан қаттиқ қуюнади. Улар санашини билмас, чап ва ўнг томон нималигини ажрата олмайди даражада ғофил эдилар. Дарҳақиқат, дунё тарихчилари эътирофига кўра, европаликлар салб юришларидан кейингина ниҳоят, ювина бошлаганлар, ҳаммом, совун ва ойнани таниганлар. Ҳатто шу каби нохуш тафсилотлар ҳам “Робин Гуд” фильмида яққол акс этган.

Дунёда “тесқари ҳақиқат”лар азалдан қўп бўлган. Нотинггем графлиги шерифи зулмидан қочган одамлар Шервуд ўрмонидан паноҳ топиб, йўлтўсарликни қасб қилишади. Ювуксиз, соч-соқоллари ўсиб патак бўлиб кетган қароқчилар Робин ва унинг қора танли шеригини ҳам даставвал “ур-қалтак” билан қарши олишади. Уларда одамийлик, илтифот каби тушунчалар ҳаминақалар, ўзлари шу аҳволда яна мусулмон Азими “ёввойи” деб атайдилар. Шунда Робин уларга: “Дўстим сен ва мендан зиёд ёввойи эмас”, дейди босиқлик билан. Кейинги воқеалар эса мусулмон йигит улардан ҳар тарафлама юксак фазилатларга эга эканини кўрсата боради. Азим дурбин орқали олисдаги душманини кузатишдан Робин хайратга тушади. Чунки у дурбинни илк бор кўраётганди. Ўзи ҳам дурбиндан қараса, душман гўё жуда яқинлашгандек туюлади, қиличини чиқара солиб, серахшга тушади. Буни кўрган Азим, “шу аҳвол-савия билан Қуддусни олмоқчимидингиз”, дейди.

Ҳақиқатан ҳам, илк линза – (обскура) камерасини математика, астрономия ва физика фанлари олими, ислом дини вакили Ибн ал-Ҳайтам X асрда ясаган.

Марказий роллардан бири бўлмиш мусулмон йигит, фильмнинг бошидан охиригача томошабин эътиборига, унинг меҳрини қозониши таҳсинга лойик. Азим ибн Башар ал Бакир – бадавий. Маълумки, бадавий, яъни саҳроий мусулмонлар анча қўпол, дағал ва

Бошланиши 1-саҳифада

Ҳаёт мураккаб, унинг ўтиш осон бўлмаган йўлларда адашганлар ҳам учраши табиий. Ана шундай кишиларнинг уруш ўчоқларидан олиб келингани масаланинг бир томони бўлса, уларга тиббий, руҳий, моддий ва маънавий қўмак кўрсатилгани, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш ва жамиятда ўз ўринларини топишлари учун таълим олиш имконияти яратилгани, уй-жой ва иш билан таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилангани инсонпарварликнинг ёркин тимсолидир.

Сурияга турли сабаблар билан бориб қолган аёлларнинг турмуш ўртоклари у ерда ҳалок бўлган. Уларнинг айримлари Сурияда қомилдор бўлган, турли юқумли касалликларга қалинган, ҳаётдан бевақт қўз юмган. Баъзилари уч-тўрт нафар боласи билан бошпанасиз яшаб мажбур бўлган, оч-наҳор қун кечириб маҳкум этилган. Матбуотда ниҳолларида мунг, қиёфасида ғам сояси из қолдирган ўрта ёшлардаги андиқонлик бир аёлнинг эътирофи чоп этилди. Тўғриси, ўқиб юрагимга титроқ тушди. ...Отанинг ишлати баҳонасида уйни жуда узок вақт тарқ этиб кетгани оилада аёлни ҳам, болаларни ҳам дийдор илинжида эзилиб яшаб мажбур этган. Йиллаб кўришолмасликдан соғинч тортади айланган. Бу дард эса аёлни ва тўрт фарзандни исқанжага олиб, хотиржам яшашларига изн бермаган. Аввалига Россияда ишлаган оила бошлиғи кейин Туркияга, ундан Сурияга йўл олган. Яхши ошпаз бўлгани учун уни танишлар чакирган, у ҳам рад қилмай йўлда давом этган. Ўшанда 2015 йил эди. Уруш ўчоқларидан четда бўлсам, топишим ҳам ёмон эмас, оилам ҳам қийналиб кетди, деб у аёлни болалари билан қилишга қорайди. Аёл бор-будини сотиб, йўлга отланди. Қўшни давлатга ўтиб, ўша ерда Туркияга учиб боради. Уларни Истанбул аэропортида қутиб олган одамлар йўл-йўлақай Сурияда давом этаётган уруш, одамларнинг қурбон бўлаётгани ҳақида суҳбатлашиб кетишади. Аёл қулоғига қалинган бу гапларга мутлақо ишонмайди, эсини таниб қолган ўғли Абдуҳодий эса онасига қараб: “Наҳотки, дадам бизни ўлим сари қорлаган бўлса?”, дейди. Аёл эса ўша кезде ўғлининг гапига унчалик эътибор бер-

тўпорилиги билан азалдан ном таратган. Аммо у гапирини Англияда ақлли, ўқимли, зийрак, ҳалол, жасур ва донишманд инсон сифатида танилади. Ўрмонда тўлғок азобини тортаётган аёлга нисбатан насроний роҳиб, “унга алаисти теккан, ўлимга маҳкум”, дея хулоса қилади. Азим эса дея аёлга аниқ ва ўринли маслаҳатлар бериб, боланинг соғ-саломат туғилишига сабабчи бўлади...

Ушбу давраларни кўраёттиб, улуг аждоқларимиз – ислом алломаларининг дунё илм-фани ва тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси эсга тушиб, кишида фаҳр-ғурур туйғуларини уйғонади. Масалан, Ой тугилиса, европаликлар, “Иблис Ойни ютиб юбормоқчи” деб йиғи-сини қилиб, қичқириб, иблисини бундан қайтаришга “уришиб” юрган пайтларида мусулмон олими Абу Райхон Беруний, “Ер сайёраси Қуёш билан Ой орасига тушиб қолиб, Ер Қуёшнинг Ойга етиши керак бўлган нурини тўсиб қўйганда, Ой тугилиши содир бўлади”, дея илмий изохлаб берган. Оврупода узок асрлар давомида ғоз пати билан ёзишган, Амир Темур қотиблари эса бутунги авторучкаларни эслатувчи ашдан фойдалангани ҳақида ажнабий элчи ўз қундалигида, хайрат билан қайд этган.

Икки дин вакилининг аёллар бора-қидида суҳбатларида ҳам зиддият сезилади: Робин бир дарахт мевасини кўрсатиб, “бу мевадан аёллар жуда сархуш бўлади” деса, Азим: “Биз аёлларни мулоқот орқали сархуш этамиз, мева орқали сунъий мастликка ҳожаз йўқ”, дейди.

Англиянинг булутли қунида Азим ибодат учун қибла томон қаердалигини сўраса, Робин, “аввал севган қизини исмини айт”, деб тихирлик қилади. Ваҳоланки, Шарқда биронинг рўзғори, қизи ёки опа-сингиллари ҳақида ошқича нарсаларни гапириш ва сўрай-вериб жоиз эмас. Масалан, муаррих Ибн Арабшоҳ Соҳибқирон салтанатида аёлларга муносабат ҳақида шундай ёзди: “...хотинларга тил теккизиш уларда қатта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар ҳамда “Бу нарсасида амал қилинлар”, деб доимо уқтиридилар”.

Чунки мусофирликда тўрт фарзанди билан қандай қун кечириб уни энди ҳавотирга сола бошлаган, уруш ҳақида чуқурроқ ўйлашга ҳоли ҳам йўқ эди ўша дамда. Ойла жамулжам бўлгач, аввалига турмуш ёмон кечмайди. Лекин уруш қундан-қун авж олар, унинг шарпаси улар яшаётган қишлоққа яқинлашиб қолган эди. Қолаверса, қанчалик даҳшатли бўлмасин, энди орта йўл йўқ эди. Ён-атрофни қароқчилар босиб кетган, кетаман, деган одамдан қатта тоvon пули талаб қилинган. Пул бермай қичиб кетмоқчи бўлганларни эса муқаррар ўлим қутарди. Гулсора Мамағалимова исмли бу аёлнинг мана бу эътирофи қалбларни дарзага солади:

САВОБЛАРНИНГ ЭНГ УЛУҒИ

– Ўқ овозлари ҳар гал қулоғимга қалинганда дарду дунёим қоронғу бўлиб, қилмишимга минг пушаймон бўлардим. Болаларимни отинга эмас, хавфга етаклаб қилибман, деб ўқинардим. Аммо бошқа чорам йўқ эди. Катта ўғлим илм олишга қизикқан учун қишлоқдаги мадрасага ўқишга қатнаш бошлади. Лекин бир қун шу мадрасага бомба тушди... Хали ўн сақкизга тўлмаган ойдек ўғлим шу фожиада парча-парча бўлди... Бўйи-бўйимдан баланд, орзулари бир дунё бўлган болажонимнинг тирноғини ҳам қайта топа олмадим...

Ўзининг айтишича, бу унинг бошига ёғилган ғам тошларининг хали биринчиси эди. 2018 йили ўн олти ёшга қадам қўйган иккинчи ўғли Абдуҳолик нон топиб қелиш илинжида қичиб кетиб, уйга қайтмади. Жони изтироб алангасида қоврилган онаизор боласининг изларини излайди, бироқ нон-нишон топа олмади. Мусибат устига мусибатга учраб, турмуш ўртоғидан ҳам айрилди. Аёл бир ўғли ва бир қизи ҳамда Сурияда тутилган қачалоғи билан бўзлаганча қолаверади. Ойла ночорлик, умидсизлик қомига тушади. Қаерга бош уришни билмай турганида “Ўзбекистонлик фуқароларни Президенти олиб кетар экан”, деган хушхабар қулоғига қалиниб қолади. Гулсора ҳеч иккиланмай бориб рўйхатга ёзилади.

Орадан бироз вақт ўтиб, бизни автобуста ўтказиб Дамашқ шаҳрига олиб бориш-

ди. У ердан самолётга ўтириб, Тошкентга учиб келдик, – дейди Гулсора. – Аммо ҳамон туш кўраётгандайман. Хотиржам ухлаб турганим, қорнимиз тўйиб, сикаттоҳ боғида болаларим билан сайр қиларканман, фақат Ўзбекистонга ҳос бўлган ёқимли ҳаводан нафас олаётганимни ҳис этипман. Президентимизнинг бизга кўрсатган бекиёс бағрикенглигини ҳам сезиб турибман, албатта. Шу инсоннинг меҳрибончилиги туфайли мен ва қолган болаларим омон қолдик. Икки ўғлимдан, турмуш ўртоғимдан жуда бўлганим, бу ерда йўқлигимда онам қазо қилгани... битмас жароҳатларимда ўзимнинг ҳам айбим бор, албатта. Берилган имконият, меҳрга жавобан ҳалол меҳнат қиламан, қолган фарзандларимнинг қамолини кўраман, деган умиддаман.

Ҳаётда тўғри йўлдан адашиб, ҳатоларининг жабрини ҳам тортган бу ўқсикдил аёл ва қолган 155 вақтандошимиз қисмати Ўзбекистон ўз фуқароларини, қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишига ёркин далилдир. Табиийки, бу осонгина амалга ошиб қоладиган иш эмас. Бунинг замирида давлатимиз раҳбари қалбидидаги сўнмас ватанпарварлик, қинакам мардларга ҳос бағрикенглик ва фуқаропарварлик туйғуларини мужассам. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қунидаги эътирофи ҳам фикримиз тасдиғидир: “Уят бўлса ҳам айтиш керак, 156 нафар Сурияга кетганлар нима учун кетганди? Қимми излаб кетган? Тан олишимиз керак, биз уларга шароит яратиб бермаганимиз учун кетган! Мен Конституцияга кўра, уларга чора кўришим керак, аслида. Лекин мен ундай қилмайман. Чунки улар ўзбек, бизнинг ватандошимиз! Уларни Ватанга олиб қелиш азоб бўлди, жуда оғир бўлди”.

Хатокорни жазолаш имкони бўлиб тургани ҳолда кечира билиш, халқимиз таъбирича, савобларнинг савобидир. Муҳтарам Президентимизнинг бундай бағрикенглиги ақалий қадриятларимизга ҳос ана шундай бебаҳо фазилатдир. Савоб ишлар қўп қилинадиган юртга Аллоҳнинг назари тушиши аниқ. Бундай заминга барақа ёғилиши тайин. Ана шундай эзгу ва савобли ишларда Юртбошимиз атрофида янада жипслашмоқ бурчимиздир.

Абдуғани СУЛАЙМОН



Нозик шарқона муомала маромларини ғофил Робин Гуд қайдан билсин!

Тарихий маълумотларга кўра, Робин Гуд йўқсиларни бойлар зулмидан ҳимоя қилган. Бу – олижаноблик. Аммо ўша даврда маънавий муҳит қандай эди? Бойлар ўз даврасида, кам-бағаллар ҳам ўз тўласида бўққунча ичиб, қайф-сафо қилишган. Оқибатда жоҳиллик ва олижаноблик, омиллик ва қотиллик, ҳиёнат ва садокат сингари тушунчалар аралаш-қуралаш бўлади. Ўз юртида бошбошқоқлик, рицарлар эса олис мамлакатни “озод қилиш” ниятида салб босқини уюштириши ва унинг аянчли оқибати шу орқали изохланади. Айниқса, христиан роҳибининг ўта пиёнисталиги диққатни тортади. У ҳатто ниҳок ўқийтганида ҳам ҳаёли факат ичкиликда бўлади. Маросимни тугата солиб, “қани, вақтни кеткизмайлик”, дея шошлади. Фарзанд туғилганида миннатдорлик рамзи сифатида Азими маст-аласт бўлиб иргилиётган оломон орасида ичкилик ичишга таклиф қилади. Азим, “Раҳмат, лекин менга мумкин эмас” деса, роҳиб: “Унда сен гапириб тур, биз ичамиз”, дея шодон жавоб беради.

Собик шўро давлати инкирози билан бирга, дунёда мафкуравий тузумлар ўртасидаги кураш ҳам ниҳоясига етди. Афсуски, шу билан “олам гулистон” бўлиб қолмади, энди диний эътиқодлар ўртасидаги зиддиятлар юзага қикди. Бугун, айниқса, дунё ахборот майдонидида “муҳораба”лар салкам ўн аср аввалги салбчилар даври фожеаларини эсга солади. “Ис-

лом” сўзи қўпинча “террорчи” сўзи билан ёнма-ён қўйилаётгани дунёдаги соғлом, ақили инсонларда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда БМТнинг юксак минбарига туриб сўзлаганида, бу ҳавотир бутун дунёда акс-садо бергани бежиз эмас.

Бугунги “аҳборот уруши” шароитида ислом динининг асли моҳияти, унинг буюк маърифий аҳамиятини дунёга очик-ойдин кўрсатиш долзарб вазифа бўлиб қолаёттир. “Робин Гуд” фильмида мазкур вазифа насроний киночилар томонидан ҳоқисона ўринлатилган. Ўрта асрлардаги “ёввойи Ўврўпо”, қасоскор рицарь Робин Гуд ҳақидаги кинода ислом динининг ақидалари, умуминсоний қадриятлари ҳақидаги таъсирчан давҳаларга бот-бот дуч келамиз, шу эътиқодга мансублик, донишманд Шарқ фарзанди эканимиздан фаҳр-ғурур туйғуларини пайдо бўлади. Шунингдек, “муқаддас ислом дини моҳияти ҳамда улуг аждоқларимиз тўғрисида қизқарди кинолар ишлаб, дунёни лол қолдиришга аслида биз қўпроқ ҳақли ва масъулмиз”, деган ўй-хаёллар туғилади. Муҳтарам Президентимизнинг “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган улуг тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган буюк аждоқларимиз бор...”, “Қуръон ўқиш бизнинг маънавиятимиз ва маърифатимиз”, деган ибораларидан илҳомланиб, шундай киноасарлар яратиш, улкан вазифалар учун кен дастур олиш мумкин!

Бахтиёр ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Александр ФАЙНБЕРГ,
Ўзбекистон халқ шоири

ХАР САТРИМ — ЖОН, ХАР ШЕЪРИМ — ЮРАК

Ям-яшил макон

Азиз шахрим, ям-яшил макон,
Илк табассум, биринчи кўз ёш.
Қора ўра, хароба айвон
узра яшил новда яшнар ёш.

Тунука том устида Гена
хуштак чалиб каптар ўйнади.
учратарман қаерда яна
қўча тўла оғайниларни?

Яна нима бетакрор мутлок?
Юлдузлар. Ой, юлдузлар тургун.
Уй бузилиб кетди-ю бироқ
ёнар бир жуфт деразам хар тун.

Ёниб турар фидойи, хормай,
Мени кутар кўзи тўрт бўлиб.
Дунёнинг қай бурчида юрмай,
Мен ўламан шу ерга келиб.

“Пастакор -79”
футбол жамоеси
хотирасига

Чимзорда ўйнайди, ўйнайди шамол,
Тўп учар, тўп учар бамисли хаёл.
Накадар зўр зарба дарвоза томон,
Хаётни гол билан ютади футбол.

Тўр титрар, гувиллар селдек оломон,
Ёшгина хужумчи югурар шодон.
Унинг-чун очкидир энди шарку гарб,
Очкидир шимолу жануб бегумон.

Агарда билмасанг олда нелар бор,
Ишонгин, ноумид бўлмагин зинхор.
Шунчаки Минскка учар самолёт,
Сен уни кузатиб қўйгин интизор.

Орамызда ким у асли чемпион?
Балки мен, балки у — қисматга аён.
Парвоз майдонидек интиқ кузатиб,
Хайрлашиб қолар пастда стадион.

Биз учдик, биз учдик кўм-кўк осмонда,
Музаффар бўлғаймиз ўзга майдонда.
Ким аввал, ким кейин туғилдик, аммо
Чемпион бўлғаймиз бирлашган онда.

Қанотлар остида баланд харорат,
Бу ўйин зўр бўлар, кўрсат маҳорат.
Жарима майдонини кесиб чап ёндан,
Тўнни ўнг қанотга тепиб ҳаволат.

Осмонда тарқалди тўқнашув абри,
Худо синар экан банданинг сабри.
Қондани бузди кимдир шунчаки,
Биз-чи тортдик ноҳақ жарима жабрин.

Майсозорда шамол йиғлайди ҳамон,
Ҳамон тунлар кўз ёш тўқарсан гирён.
Қайгурма, биз ҳамон ўйнаймиз футбол,
Факат мовий осмон — бизнинг стадион.

Чимзорда ўйнайди, ўйнайди шамол,
Тўп учар, тўп учар бамисли хаёл.



Накадар зўр зарба дарвоза томон,
Хаётни гол билан ютади футбол.

Коронгу тун аро дайдисанг гумрох,
Нобон об-хаводан ранжима зинхор.
Факат зулмат бўлмас бир умр ҳамроҳ,
Олисда милтиллаб ёнган олов бор.

Бу олов дарбадар юрган маҳалинг
Меҳр ва харорат бергай беминнат.
Умид ва ишончинг қайтади хали,
Ахир бир умр юз ўғирмас омад.

Оловни ўчирса изгирин шамол,
Яна коронгида қолсанг ногаҳон.
Сўнгги чора эрур олдий бир амал —
Тўхта-да, гулханга унна шу замон.

Кафтингда авайлаб, гугурт чўпин чак,
Тамаки тортди ўт ёкишга шайлан.
Йўлсиз биёбонда гулхан ёқ, ўт ёқ.
Сен ҳам биров учун оловга айлан.

Ёшлар ва шамол

Дарахнинг панжаси бирим ҳўл, оғир,
Ёлғиз уй эшигини кокар, эгиб бош.
Йиғлаётган ёмғир, сел бўлган ёмғир,
Кимнинг руҳи учун тўқпақан кўз ёш?

Ёмғир дер: — Ачинма дардимга маним,
Соғ бўл, зор йиғлаган кишининг бўлмасин.
Кимнинг руҳи учун йиғлаётганим
Сенинг ғаминг эмас, ишинг бўлмасин.

Далаларда инграб изгирин шамол,
Айтгин, сен ким учун тортмоқдасан ох?
Ичинг ачигандир менга эҳтимол?
Балки менга раҳминг келгандир ногоҳ?

Шамол дер: — Ўзингни ўйлама факат,
Ахир, сендан бошқа одамлар ҳам бор.
Сенсиз ҳам оламда кўп ғаму фуркат,
Сенсиз ҳам дунёнинг ташвиши бисёр.

Қанака унутиш мумкин, айт ўзинг!
Ёнимда тошқиндек бўлади содир:
Қулоғимда янграр хар битта сўзинг,
Хар бир харакатинг кўз ўнгимдадир.

Юрагимда чўғи сўнган кул эмас,
Лабинг эхтироси, харорати бор.
Мен санаб берурман бир-бир, басма-бас
Қачон, қай кўзуга боккансан, дилдор!

Номини ўзингча нима десанг ҳам,
Севги бу — севгидир. Тенги йўқ ўзга.
Хар бўсанг, хар ишванг дилимда, эркам,
Босган изларингни суртаман кўзга.

Хар кунни минг бора эслайман тушдек,
Ёнимга шамолдек олишларингни.
Кўмсайман тоғ каби бағримга қушдек
Қанотингни ёзиб келишларингни.

... Кеча бир базмда ҳамон гул, юлдуз,
Товусдек товланиб юрардинг хандон.
Тўсатдан сўрашди мен ҳақимда сўз,
— Танимайман, ким у? — дединг сен хайрон.

Аслан ишонч билан яралган жонман.
Худонинг меҳрини унутдим зотан.
Кечир мени, Ишонч, кечир, дафъатан
Ярадор қуш каби бокдинг осмондан.

Мен шеър ёзганим ғалча ноумид,
Бир умр чорасиз май ичдим нукул.
Қабристон қошида менга шафқат кил,
Мен каби гумроҳни кечиргин, Умид.

Муқаддас, Мухаббат, сен ҳам кечиргин,
Икки инсонга мен килмадим шафқат.
Овутмоқлик учун лабингдан новвот
Сўзларни фаршга мисол учиргин.

Агар мени ҳамма унутса осон,
Тупроқ, сен оларсан мени бағрингга.
Шам ёкиб қўяди менинг қабримга
Хеч қурса ўзинга ўхшаш бир инсон.

Шошилганимда ҳам висолга хушбахт,
Қуйлаганимда ҳам дўстлар-ла сармаст —
Мени тарқ этмади бировнинг дарди,
Бировнинг ғамидан чекдим укубат.

Хаётда ногаҳон хафа бўлсам гар,
Ҳасад ва хиёнат сўндирса шаштим —
Бировнинг қувончи қўнғилимни олар,
Йиғлагани қўймас бировнинг бахти.

Нотаниш юртдаги тенгдош биродар,
Сенинг ҳаётингда ахир мен ҳеч ким.
Бирок юрагингда менинг дардим бор,
Ҳис этиб яшайсан ғамим, шодлигим.

Оғрибди — ярамиз бизнинг ягона,
Бизларни айирди недир умрбод.
Ва ўз юртимизни деймиз бегона,
Шахарларимизни атағаймиз ёт.

Хаёт эса битта. Тонгда уйғонмоқ
Насиб этавермас ҳамма одамга.
Биз қандай бегона эруримиз мутлак?
Қандай бегонамиз ахир оламга?

Қўшиқ

Бу қизча безубор булутдек эди,
Олисан янграган қўшиқдек эди.

Қирғоқ. Қоя. Кема тигиз.
Қўшиқ сочиб, сапчир денгиз.
Қовоқхона ёнбошида
шарманкани чалади киз.

Гоҳо этак очар денгиз,
гоҳо зумрад сочар денгиз,
Қуйлаб қўнғил очар денгиз —
Катерина... Катерина...

Тузли сувни шимиган тўр
хилпирайди шамолга жўр,
қумда тўрнинг қисмати шўр.
Чағалайлар учади хур.

Тўлқинлар чўнг тоғдек-тоғдек,
Шарманка мисли қармоқдек.
Овдан қайтган денгизчилар
қўйга яллар қавоқдек.

Шамол қум ялар қирғоқда,
ким гулхан қалар қирғоқда.
Қизча қуй чалар қирғоқда
Катерина... Катерина...

Олис-олисга бўлиб ром,
боқар денгизга беором.
Том маънода Ишонч — соғинч,
Соғинч-ла ишонч эрур том.

Қўшиқ янграр. Сўз беором.
Ошпаз иши товоқ-қозон.
Қиз кўзи — Осмондек денгиз!
Қиз кўзи — Денгиздек осмон!

... Ким бўлиб қолдинг оламда?
Чағалайми?
Ёки қўшиқ?

Лахзалар йўқ!
Асрлар йўқ!
Факат сен борсан оламда —
Катерина... Катерина...
Катерина... Катерина...

Варақ

Юлдузларни асрайди фалак,
Теран денгиз асрар дурларни.
Дафтаримдан йиртилган варақ,
Асрагин мен ёзган шеърларни.

Шеър — нафакат ўқимок, ўқимок,
Шеър — юракда янграган товуш:
Қутқаргандек тайгада сўқмоқ,
Тебрангандек қўлларда қамаш.

Хар сатрим — жон, хар шеърим — юрак,
Ўрмон, қушлар, булутларга хеш.
Дафтаримдан йиртилган, варақ,
Шеърларимни асра пешма-пеш.

Авлодларга келмасин малол,
Шеърларим ғам чекмасин ночор.
Шамол, денгиз ва япроқ мисол
Нафас олсин, қулсин бегубор.

Хаёлараст

Довул зир титратар баланду пастни,
Кемада чайқалиб йиқил, тур, сурин.
Мачтага боғланган хаёларастни
Хаёл уфқи қўрар ҳаммадан бурун.

Эврилиш

Сўзга эвриламан, сўзга ҳалемай,
На хайрат-хажон, на шубҳа-гумон.
Чағиллар тўлкинлар узра чағалай,
Акс-садо беради шовуллаб ўрмон.

Ушони

Талайди бу дунёни хаёт,
Менга нима қолар, севғилим?
Сарва соя. Қушларда қанот,
Ерда ишонч нурли ва сўлим.

Ёшларнинг сўзи

Булут — юк чўл елкасида,
Тоғлар қарвон изма-из.
Туннинг титроқ ўрқачида
Ялтирар танҳо юлдуз.

Севги

Хижрон изтироби ёшлар кўзни,
Овутма. Ишқ ўртар дилини, туйғуни.
Севги кетаётди унутар бизни,
Унутмаслигини учун севгини.

Футбол

Футболчилар
эгни қирмизи.
Куз.
Охирги футбол ўйини.
Япроқларга босаман юзим.
Негадир...
Йиғлагим келар қуниб.

Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

Насиба АБДУЛЛАЕВА



— Қурбонали ука, шу десангиз, аравамни олиб кетгани келдим. Мана берган етмиш сўм пулингиз, — деди Ҳақим ота хижолат бўлиб.

— Ие, тоға, кизикмисиз? Эшагингиз йўқ-ку, қуруқ аравани нима қиласиз? Ўт ташийсизми? Аскаржоннинг машинаси бўлса...

Ҳақим ота ноҳўя иш қилиб қўйган боладек кўзини олиб қочди. Чолнинг ўнғайсиз аҳволга тушгани Қурбоналига куч берди:

— Сиздан олган пайтимда арава етмиш сўм бўлса, орадан қанча йил ўтди, ҳозир етти юз сўмга ҳам йўқ!

“Эх, Қурбон, бу арава менга қанчалик қимматли эканини сен қайқандан билардинг?”, деб ўйлади чол.

— Неча пул берай унда? — деди у мўлти-раб...

...Ҳақим тоға сочтепалик аравасоз устанининг донгини эшитиб, нарҳини талашмай, унга шу аравани ясаган эди. Ихчам, ғилдирақлари пўлатдан, шина қопланган, қўйворсанг ўзи юриб кетади. Эшак илдамлаб юрар, тоға эса аравада ўзгача иштиёқ билан хотиржам ўтирар эди.

Хотини янги аравани кўриб, беҳад қувонганди. Чунки эски арава оғир, юки бўлмаса ҳам эшак зўрға тортарди. Ҳали ғилдираги чиқиб кетар, хали лойга ботиб эрининг хунобини чиқарарди. Энди Ҳақим тоға далага хотинини аравага ўтказиб борганда ўнқир-чўнқир йўлларда ҳам бир текисла юради.

Ҳақим тоға эски дехкон. Маҳалладаги экинларга сув тарайди. Даланинг этагига сабзи, пиёз сеппиб қўяди. Хотини уларни ўтоқдан чиқаради. Сабзавотни бозордан олишмас, бари ўзларидан чикарди.

Кун тиккага келганда, тушликка чиқишарди. Тоға ариқдан қумғонга сув олиб, чой қайнатарди. Тутнинг сояси — жоннинг роҳати. Эр-хотин даланинг майин шабадасида нон, мева-чева, қанд-қурсе билан тушлик қиларди. Улар ҳамиша бу йил ҳосил мўл бўлиши, экин-тикин парвариши ҳақида чакчақлашиб, қорин тўйғизишарди. Сўнгра кун тафти бироз босилгунча ёнбошлаб мизгиб олишарди. Шомгача ишлаб, аравага икки кўтарим ўтти босиб, икковлон уйга қайтарди. Араванинг ихчам, енгил юриши уларга бир олам завқ бериб, гурунглари йўл бўйи ҳам давом этарди.

Эх, қандай бахтиёр дамлар экан. Хотини меҳнаткаш, меҳрибон эди, безоргина омонатини топширди. Ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ишлар бўлди. Ҳақим тоғанинг бағри эгаси

ташлаб кетган уй каби хувиллаб қолди. Қизлари, қўёни, набиралари чолнинг хурматини ўрнига қўйишди, лекин бу кампири берган бир чимдим меҳрга тенг келмади.

Одам кексайса, хотиралар қулига айланар, ҳатто майда-чуйда нарсалар ҳам ўткан қуналарини жонлантирар экан. Мана, устунга илинган тунука елпигичга отанинг назари тушса, кампирининг бошини эгиб ховлида бир қоп гуручни елиб, тозалаб ўтиргани гавдаланади. Оч сирли костюлкага қараса, хотини идишга сариёғ эритиб қуяётгани кўринади. Энди қизлардан қуту-

АРАВА

либ, оёқ узатиб яшаймиз деганда кетиб қолди-я, раҳматли. “Отаси, ғалати туш кўрдим, — деганди у. — Тушимда онам аравада келиб: “Тур, Майрамхон, сени олиб кетгани келдим”, дебди. “Вой, онажон, бир-икки кунлик ишим бор, шуни қилиб олай, ортингиздан бораман”, дебман”.

Орадан уч кун ўтиб, салгина оғриган бўлди-да, онасининг ортидан кетди. Бунақа бўлиши етти ухлаб тушига қирмаган Ҳақим ота ганғиб қолди. “Отаси, илоҳим, сиздан олдин кетай, — дерди боқиб. — Сизсиз бир лаҳза ҳам яшолмайман”. “Мен ҳам”, дегани тортинарди чол.

Одамзод қизик, кўп нарсанинг қадрига уларни йўқотқачгина етади. Ҳаётнинг енгил-елпи муаммоларидан ҳам ўзига қатта ташвиш ясаб олади. Ўтаётган хар бир кунни қанчалар тансиқ эканини ҳис қилмайди.

Умр дегани бир маромда кечмас экан, очин-тўқин, яланг-юпун қунар ўтди. Эр-хо-

тин икки ўғилни Яратганга топириб, фарзанд доғида қуйди. Иморат қиламиз деб йиллаб лой тепкилашди. Лекин хотини ҳеч қачон ҳаётдан нолимади. Қизларни ўқитишди, ўғил набира-ларга қатта тўйлар қилиб, халққа ош беришди.


Кампири борида бу хонадон файзли, баракали эди. У кетиб қолган, мевали дарахтлар ҳам ҳосилдан тўхтади. Тоға ҳатто узок шаҳарда ўқийётган қизига пул топиб беролмай қолди. Ноилоҳ аравасини сотди. Ҳақим чол арава сотмади, ширин хотираларини, юрагини сотгандай бўлди.

Узатилган қизлари ўзига тўқ яшайди, лекин тоға умрида бировга сарғаймаган. Майли, қанча қадри бўлса ҳам аравани сотди. Қиз боланинг мусофир юртда пулга зор бўлганидан ёмони йўқ. Орадан йиллар ўтди. Ўша кенжа қиз ҳам ўқини битириб, турмушга чиқиб, тиниб-тиниб кетди.

Чолнинг яраси янгилинишига чойхонадан қайтаётди, Қурбоналининг ўғлини олиб-аравада далага кетаётганини кўргани сабаб бўлди. Чолнинг юраги халқириб кетди-да, томоғига нимадир тикилди. Негадир йиғлагиси келди. Уйга ҳам қирмай, тўғри Қурбоналиникига йўл солди.

Бор-барака қилинган аравани қайтиб олишдан ёмони йўқ. Чол умрида бировга лафзсизлик қилмаган, лекин қандайдир ички бир куч уни Қурбоналиникига боришга ундади.

Ёш боладай бўлиб қолган чол билан тортишув-сухбатдан кейин Қурбоналининг ҳам юраги эзилиб кетди. Чунки бир умр мироблик қилган Ҳақим тоғанинг кетмонини биров ишлатиш тугул жойидан қўзғатолмасди. Қандай одам эди-я! Қизик, энди чолга арава нега керак бўлиб қолди экан?



“Бобурнома” асарининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, муаллиф мемуарда Темурийлар Ҳайитининг даври мутафаккирларининг номи, фаолияти, ижоди билан боғлиқ тарихий лавҳалар, ишончли хабарлар, қимматли маълумотларни ўзининг бетакорор услубида битиб қолдирган. Шу ўринда бобуринос олим Саидбек Ҳасановнинг “Бобурнома”нинг 2002 йилги нашрига ёзган “Буюк қомусий асар” номли сўзбошисидоги фикрларини келтиришни жоиз деб билдик: “Бобурнома”да жуда кўп тарихий шахслар (темурий ҳукмдорлар, ҳарбий амалдорлар, илм-фан ва санъат намояналари ва бошқалар)нинг шакл-шамойиллари ва руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда муаллиф уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва ихчам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилади”.

ЗОҲИР ВА БОТИН ИЛМИНИНГ ПЕШВОСИ

Бобур “Бобурнома”да тилга олган улуг сиймоларидан бири – XV асрда ўз ижоди билан форс-тожик адабиёти тараккиётига муносиб хисса қўшган, темурийлар давлат бошқарувида бўлган Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротдаги адабий-маданий ҳаёт ривожига катта мавқега эга даҳо сўз санъаткори Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414 — 1492)дир. Биз “Бобурнома”да ёзилган Абдурахмон Жомий ҳақидаги маълумотларни ўрганган эканмиз, мазкур маълумотларда Абдурахмон Жомийнинг номи, унвони, насабу ҳасаби, адабий ва илмий мероси, Ҳирот адабий муҳитидаги баланд ўрни ва таърифи-маданий, адабий таъсири, айрим асарларининг номи, Султон Хусайн Бойқаро ва унинг жияни Кичик Мирзо билан ҳамда Алишер Навоий, амир Шайхмбек Сухайлий каби дўстлари даврасида кечган ибратли муносабатлари каби масалалар камраб олинганини билдик. Аммо китобда Абдурахмон Жомий алоҳида фасл ёки фикрада тилга олинмаган. Китобда, асосан, Абдурахмон Жомий ва баъзи ўринларда эса Мулла, Мавлоно нисбасида тилга олгани кузатилади.



ни келтирган. Муаллиф китобда битган “Султон Хусайн Мирзонинг тавоиб ва лавоҳики булар эрдиким, мазкур бўлди” номли изоҳида “Султон Хусайн Мирзонинг замони ажаб замона эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батаҳси Хир шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғулдиги бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай” дейди. Ушбу шарҳида у: “Бу жумладан, бир Мавлоно Абдурахмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдур. Муллонинг жаноби андин олийрок-дурким, таърифка эҳтиёжи бўлмай. Ғоятш хотирга кетдиким, бу муҳаққар ажзода таъмин ва табаррук жиҳатидин аларнинг отлари мазкур ва шаммае сифатларидин мас-тур бўлмай”, деб ёзади.

Умуман, муаллиф мемуарнинг “Шуародин” номли қисмида Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида баракали ижод қилган ўндан ортик таникли шоирларини номма-ном тилга оларкан дастлаб “жамънинг саромад ва сардафтери” дея шарҳлаб Абдурахмон Жомийни зикр этади ҳамда Ҳирот илмий муҳитидаги машҳур беш нафар олимлар гуруҳи — ҳамсаи мутта хайирларининг бошлиғи эканлигига ҳам яширини талмехда ишора қилган: (Булар ҳақида Зайниддин Восифий “Балоеъ ул-вақоеъ”да алоҳида ҳикоят битган — Б.Р.) ва “...бу жамънинг саромад ва сардафтери Мавлоно Абдурахмон Жомий эди. Яна Шайхм Сухайлий ва Хусайн Али Туфайлий жалоийр эрдиким, отлари ва сифатлари Султон Хусайн Мирзонинг бекалари ва ичкилари чарғасида мазкур ва мастур бўлди”, дея китобхонга тушунтириш беради.

Абдурахмон Жомий тўғрисидаги яна бир қимматли маълумотта Алишер Навоий ҳақидаги катта ҳажмдаги лавҳада дуч келамиз. Бобур ушбу ўринда Алишер Навоийнинг 107 та хатдан иборат “Муншаот” асарига ишора қилган: “Ул жумладин ишоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид (ушбу ўринда тақлид сўзи бугунги кунда тақлидчи каби маънода эмас, балки анъана, адабий таъсир маъноларида келган — Б.Р.) қилиб жамъ қилибтур, ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиништурубтур”.

Китобнинг Шайхмбек зикрида эса Абдурахмон Жомий билан боғлиқ мароқли, саҳнабоп бир ҳаётини лавҳа бор. Лавҳада улугларнинг ўзаро суҳбати, шеърхониклари, адабий-илмий баҳс ва баҳолари, эъти-

роф масалалари акс этган ҳамда Абдурахмон Жомийнинг ҳалимлик фазилати очиб берилган. Воқеа баёнида Абдурахмон Жомий Шайхм Сухайлийга ҳалимлик ва хо-зиржавоблик билан айтган ҳазилга йўғрилган танқидий фикридан хабардор бўламиз: “Яна Шайхмбек эди. “Суҳайлий” тахаллус қилур учун Шайхм Суҳайлий дерлар эди. Бир тавр шеър айтур эди. Кўрқудек афоз ва маоний дарж қилур эди. Аннинг абётидан бир булур:

Шаби ғам гирдобди оҳам
аз жо бурд гардунро,
Фурӯ бурд аждаҳон сели
ашкам рубай маскурро.

(Таржимаси: Ғамли кечаларда оҳимнинг қуюни осмонни ўрнидан қўзғатди, Кўз ёшим селининг аждаҳоси ер қозини ютиб юборди.)

Машҳурдурким, бир қатла бу байтни Мавлоно Абдурахмон Жомий хизматида ўқубтур. Мавлоно айтибтурким: “Мирзо, шеър айтасиз ё одам кўрқутасиз?...”

Бобур ўзининг “Насихатномайи Бобур ба фарзанди хул” (“Бобуриунг ўз фарзандига насихатномаси”)да инсоннинг номини, обрўсини тушурувчи қусурларидан бири — ноқаслик эканлигини тушунтиришда Абдурахмон Жомийдан ўзи таъсирланган ибратомуз бир китъасини ўғлига битган насихатига судманд сифатида “Ҳазрати Мавлоно Жомийдин бу китъа машҳурдур” дея тасмил қилган:

Ҳарки ноқас бувад дар аслу сириниш,
Муниқлиб нотавон қардан, эй жигар.
Сагмағасро агар қуни мақлуб,
Қалби ў ғайри сагмағас нашавад.

(Таржимаси: Ҳар қимки асли ноқас бўлиб ярамлиш, уни тузатиб бўлмади, жигарим. “Сагмағас”(итпашша)ни ҳарчанд ўз-гартирганда ҳам, унинг қалби сагмағас бўлиб қолаверади).

Хулоса шуки, Бобур битиб қолдирган Абдурахмон Жомий ҳақидаги ушбу қимматли ёдномалар бизга, биринчидан, улуг Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” таъкирасининг Абдурахмон Жомийга атаб ёзган фикрасида айтган “Неча киши аларнинг сийрату камолоти шарҳида расоилу кутуб битибдурлар ва тасониф сабт этибдурлар, ароладур. Билай деган киши ул жамъи таълифдин ўз фаҳми хурлида маҳсуе бўлур ва баҳра ола олур”, деган эътирофини эслатади. Иккинчидан эса, Бобурнинг Нуран маҳдум ҳақидаги “баҳра”ларини жомийшунослик фанига қўшган адабий, маънавий, таърифий хизматлари сифатида баҳолаймиз.

Буробия РАҲАБОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори
институтини катта илмий ходими

УСТОЗ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Устоз адиб Пиримқул Қодиров қабрини зиёрат қилишга Форобий (илгариги Чингаой) қабристонига бориб тураман. 25 октябрь — устознинг таваллуд кунини муносабати билан яна зиёратга отландим.

Йўл-йўлакай баъзи хайрли ишларимиз ҳаёلدан ўтди. Ўтган йили “Уч илди” романининг янги наشري тақдироти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидида ўтказилган эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, академиклар Тўра Мирзаев, Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али ва бошқа ижодкорларнинг роман ҳақидаги фикр-мулоҳазалари талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу роман илк бор 1958 йили чоп этилиб, неча ўн йиллар мобайнида қайта-қайта нашр этилган ва миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олган. Юргимиз мустақилликка эришгач, “мустабид тузум даврига оид китоблар” қатори “Уч илди” ҳам кутубхоналардан олиб қўйилди... Шу тарика бу роман қайтадан чоп этилмади.

2010 йили адиб асарини замонга пайваста ҳолда таҳрир қилиб, янги бир боб қўшган. Бироқ унинг нашрини қўриш на-сиб этмади, ўша йили декабрь ойида устозни сўнгги манзилга кузатдик. Баъзи сабабларга кўра романини чиқариш анча қўзилди, ниҳоят 2018 йили “Қамалак” нашриётида лотин алифбосида нашр этилди.

Романини мутлола қилган талабалар бугунги муҳим воқеани ўзгача ҳис этади. Яъни китоб ўқиб маданиятини, дарс тайёрлаш масъулияти ва ҳаётда муносиб ўрнини топиш йўллари ўрганади. Ўқитувчилар эса ўз устида қандай ишлаш, ёш илм толиблари билан қай тарзда муносабатда бўлиш борасида ҳам катта сабоқ олиши мумкин.

Асарда XX аср ўрталарида яшаган авлоднинг билим ва савияси, илм олишга интилиши, дунёқараши бугунги замондошларда яхши таассурот қолдиради. Романнинг «Уч илди» деб номлангани замирида ёшларнинг камолга эришишда, аввало, учта маънавий илди бўлиши лозим, деган фикр мужассам. Биринчиси, пухта билим олиш, иккинчиси, ҳақиқий инсон бўлиш ва учинчи илди — муҳаббатга асосланган оила қуриш. Ҳар бир инсон шу тарика бахт-икболга эришиши мумкин.

“Уч илди” романида адибнинг жияни, филология фанлари номзоди, доцент Жалил Ҳазраткуловнинг сўнгсўз ўрнида ёзган “Адибга муносиб эҳтиром” сарлавҳали мақоласи ҳам берилган. Унда шундай савтлар бор: “Пиримқул Қодиров туғилган тоғам (онамининг укаси) бўлади. Раҳматли тоғамнинг ҳаёти давомида мен кўп йиллар ёшида бирга бўлдим, анча-мунча ишларига қарашиб юрдим. Тоғам 1955 йилларда ижод майдонига кириб келгандан то унинг охиригача Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби устозларидан, Шароф Рашидов, Ислам Қари-мовдек давлат арбобларидан меҳр кўрганидан

фахрланиб яшаган. Бугун уларнинг руҳларига дуо қилиб юрмиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 август кунини қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида”ги Фармонида буюн адабиёт соҳаси бўйича биринчи даражаси давлат мукофоти Пиримқул Қодировга “Амир Темур сиймоси” ва “Тил ва эл” асарлари учун берилган жуда қувончли воқеа бўлди, адиб руҳини шод этди...

1958 йилда Пиримқул Қодировнинг “Уч илди” романи адабиётимизда катта воқелик бўлганини, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа устозлари юксак баҳолаётганлигини китобхонлар яхши биладилар. Энг муҳими, бу роман адабиёт муҳлис-ларининг олқиница сазовор бўлиб, бир неча бор катта-катта адабларда чоп этилса-да

(охири 1987 йили 60 миң нусхада чиққан), китоб дўкннларда тугаб кетар эди.

...Адибнинг орзу-армони эса катта ёшидаги китобхонлар эътиборини қозонган, бугунги ёш авлодга ҳам кўп маънавий озиқ бериши мумкин бўлган бу асарини таҳрир қилиб, замонамизга мос ҳолда қайта ишлаб чоп этириши эди”.

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Дарҳақиқат, “Уч илди” романини қизиқиб мутлола қилганда Маҳкам, Гаҳвар, Очил, Замира — ўз исмлари, ибратли фаолияти билан меҳримизни қозонган қаҳрамонлар — талабаларга дарс берган, уларга ҳаёт йўлини кўрсатган устозлари Абдурахмон Тошев ва Темур Акбаров ҳақида адибнинг ўзлари айтган сўзлар китобага кириш сўзи ўрнида берилган суҳбатда баён этилган. Мана ўша жумла: “Асар қаҳрамонларидан бири профессор Абдурахмон Тошев ижодкорлар томонидан факультетдан қувилган. У Ойбек ақини ёдга солади. Бу улуг адибнинг ҳаётида ишнга ўхшаш воқеалар юз берган. Ойбек ақинини насаблари Тошмуҳаммад экани назарда тутилиб, асар қаҳрамони — Тошев бўлди. Абдулла Қаҳҳор домламига “Қўшчинор” романини ёзгани учун жуда адолатсиз ҳужумлар бўлганди. Бу ҳол Темур Акбаров деган домла тасмилдога кўрсатилган. Бошқа образларни университетимизда қўзғатганми...”

Устоздан шу гапларни эшитганимдан буён бир ўй тинчлик бермасди. Атоқли адиблар Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ҳаётилик чоғларида “Уч илди” романидаги Абдурахмон Тошев ва Темур Акбаров образларининг прототиپи эканликларини билганимизми?

Пиримқул Қодиров бу “нозик сир”ни ўша мураккаб даврда бошқа бировга айтмагани аниқ. Бу мавзуда шу пайтгача бирор-бир адабиётшуноснинг мақоласида ўқимаганман. Саксон ёш сарҳадида устоз билан қилган суҳбатларимизда бу ҳақда очик айтганлари ёдимда.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Мерос комиссияси масъул котиби



тўлдиргандай. Бундай қисмат эгалари ҳаётда бор, аммо ҳамма ҳам бундан керакли хулоса чиқаролмайди. Одамнинг ичидиги Шайтон — кибру ҳаво уни доим бошқаларни айблашга ундайди. Киши ўз бошига тушган шўри-шу гавғалар учун ҳаммаи ўзгаларни, тақдирини айблади. Гўё дунё уни — осмондан обёғини узатиб, гуноҳкор заминга тушган фариштани тушунмаган. Энди у бечора мана шу ноҳақликлар жабрини чекишга мажбур... Аслида эса, “ҳар не келса, ўзингдан келар”. Эҳтимол, Аскар ёшлиқ қилгандир, ўша пайтларда Самандар раис сиймосида ўзининг бир умрлик суянигини кўргандир, Бикажон ҳам йўғлаб-сиктаб, охири бир кун қисматга қўнади, дея ўйлагандир. Лекин муҳаббат қасосидан қочиб қутулиб бўлмас экан-да!..

Қизлигида дардга чалинган, алаҳ-окибат бефарзандликка дучор бўлган Зулайхониям тушунса бўлади. Унинг ийжиқликлари, лаҳзада турла-ниб-тусланиб туришлари, бир-бири билан бетиним курашаётган икки ўт-ни, йилларки, юрагига сақлаб келатгани ўқувчига эриш туюлмайди. Тақдирнинг ана шу беомон, айни вақтда адолатли зарбасига айнан Аскар — машҳур раиснинг қўёви, қишлоқ қасалхонасининг бош шифокори нишон бўлиши ҳам табиий бир ҳолдай: бир бечоранинг покиза севгисини увол қилдиргани, энди жазойингни тор! Қисматнинг қиносини қарангки, мингларнинг дардига нажот берадиган қимса ўз дарди олдида ожиз...

Тўпламнинг эътирофга лойиқ яна бир жиҳати шуки, қарийб барча ҳикоялар умидбахш бир туйғу билан яқун топади. Аксар қаҳрамонлар тақдирининг сирли чоррахасида ўз хо-

лига ташлаб қўйилган бўлсалар-да, ўқувчининг кўнглида нури бир умид ниш ура бошлайди: хали ҳаёт туггани йўқ, куёш бугун ботса, эртага чиқади. Оллоҳнинг мўъжизалари эса бисёр, у ўз бандасини — чин дилдан тавба қилган бандасини аро йўлда ташлаб қўймайди.

Умуман олганда, Нортўхта Қилич ўз ҳикояларидаги ҳар бир қаҳрамоннинг феъл-у атвори яхши билади, ишонтириб тасвирлайди, уларни тушунишга ҳаракат қилади. Муҳими, агар ёзувчи ўз қаҳрамонларини, улар ким бўлишларидан, қандай бўлишларидан қатъий назар, яхши кўрмаса, уларнинг ҳис-туйғуларига, севинчу изтиробларига шерик бўлмаса, асарига ҳеч қим ишонмайди. Биз фикр юритаётган тўпламдаги ҳикояларга сингилдирган муаллифнинг эзгу, ҳамдард туйғуларни китобхон қўнглини мунаввар этиши сири шунда.

Шоир Тўра Сулаймон бир шеърини да ўзининг сочлари бевақт оқарганига ишора қилиб, “Қорли тоғлар мисоли бошим яқин бўлар энди қуёшга” деган таскинбахш сатрларини биттирди. Боши қуёшга яқин бўлган адибимиз, устоз Нортўхта Қилич ҳам “Бахт қуши” тўпламидаги асарлари билан муҳлисларини тағин бир бор хурсанд қилди. У кишининг қуёш нури жилвала-ниб турган асарлари, бахт қушининг қанотидидаги битикларни хали кўп эканлигига ишонаман. Қуч-қувват, қайфи-ят ва илҳом бор, демакки, янги-янги-лари, янаям яхшилари ёзилаверадилар.

Абдунаби ХАМРО

ҲАМДАРДЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД

Таниқли адиб Нортўхта Қиличнинг “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган “Бахт қуши” китобига турли йилларда ёзган ҳикоялари жамланган. Китобни ўқиб, беғубор ёшлиқ йилларимизга қайтгандек бўлдим. Сабаби айнан ўша пайтларда ёзувчи Нортўхта Қиличнинг ўзимча қашф этган эдим. “Чигирик”ни дўстлар билан талашиб ўқиганларимиз ҳамон ёдимда...

Яшириб нима қилдим, адибнинг кейинги йиллардаги асарларидан қамини болалик, ўсмирлик пайтларимда туйганим — бегаразу беминнат умид, сирга тўла келажак олдидаги андак ширин ҳадик, тоғни талкон қилгудай азму шиддатни кўп изладим. Бироқ унинг асарларидаги қаҳрамонлар йилдан-йилга ақли, андишали, замона равишига синчков боқадиган, баъзан тақдир измига жимгина бош эгдиган одамларга айланаверишди. Билмадим, ўсмирликда туйғулар тозарок, юракдаги муросасизлик қучлироқ бўлар эканими... Ишқилиб, муаллифга қўшилиб қаҳрамонлар ҳам ўсаверишар экан.

Айрим ёзувчилар ўз услубини тополмай, умр бўйи қийналишадилар. Нортўхта Қилич, янглишмасам,

адабиётга кириб келгандаёқ ўз йўлини аниқ билган. Бу устозимиз Шукур Холмирзаев ижодига хос бўлган ҳамдардлик услубидир. Аслида, Шукур ака сингари ўз қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини ҳис этиш, уларга хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин — тирик жон, ўз оламига эга одам сифатида қараш ва муносабатда бўлиш кўп қийин. Айниқса, персонажлар нутқи масаласида. Лекин устознинг ижод оламида етарлича баҳраманд бўлган ва унинг ишончини қозонган қалам-каш сифатида Нортўхта Қилич бу иш-ни урдалаяпти. Қаҳрамонлар нутқи, уларнинг гапларидаги шевага хос оҳанглар мафтункор.

Дунёда ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор. Кўпчилик ўзини ҳақ, яхши одам, деб билади. Тўпламга кирган “Ота”

ҳикояси бош қаҳрамони Дониёр Тўра жондан азиз ўғлидан айрилади, судда фарзандининг қотилини қўради, унинг тавбасини, уэр сўраб қиладиган тавал-лосини ич-ичидан қутади. Бироқ қотилининг, бемаъни бўлса-да, ўз маслағи бор, аммо бу оламда унинг маслағини буткул инкор этадиган умумбашарий ҳақиқатлар ҳам борки, буни у англа-майди. Эҳтимолки, англашн-да иста-майди. Унинг фожеаси ҳам шунда.

Тўпламдаги “Юк” ҳикояси ҳажман катта ва шунга яраша юки ҳам бор. Аммо кўнглимнинг бир четиди: “Шундаймикин?” деган фикр ҳам йўқ эмас... Ўзи “бадий юк”ни ўлчайдиган мезон борми? Агар бўлса, у нимага, қайси мантиққа асосланади? Ҳикоя-ни ўқиш жараёнида “Асарда дунёвий масалалар, муаммолар кўтарилгани дуруст эмасми, аллақандай енгилта-бият эркак ва аёл қисматининг баёни қимга қизик? Муаллиф бу билан нима демоқчи?” каби саволлар туғилиши мумкин. Эҳтимол, бундай фикрлар ҳам бордир. Лекин ёзувчи позицияси-ни белгилаб берадиган, уни ишончли ҳимоя қила оладиган битта далил бор:

қаҳрамонлар — тирик одамлар. Улар ҳам сизу биз каби хато қилиши, йўлдан қалғиши, йиқилиб-туриши мумкин. Энг асосийси, бу каби воқеалар ҳам ҳаётда учрайди. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўз дунёси, ўз ҳаётини аъмол-лари бор. Адабиёт учун, бадий асар учун муҳими ана шу.

Бир қарашда ҳикояда ҳамма-си жойида: Диёрбек ва унинг “қо-ним”ни Маликанинг бир неча йиллик паста баланд ҳаёти, саргузаштлари... Асосийси, қаҳрамонлар характери-ни очишда адиб уларнинг нутқидан, ай-ниқса, ички монологлардан моҳирона фойдаланган. Назаримда, ҳикояда қи-ёмига етмаган биттагина ҳолат бор: Маликанинг бундай ахволга тушиб қолиш сабаблари етарлича очилма-гандай. Агар Диёрбекни севиб қолган бўлса, шунга қадар қай тахлит ашаган ў? Эҳтимол, мен адашаётгандирман... Лекин “Юк”да мўътадил бир қисса-нинг юки бордай.

“Ойдин тоғлида намозом” ҳикоя-си қаҳрамони Аскарнинг илк севгиси-га, келажига, демакки, ўзлигига хиё-нати бутун асарни ҳазин бир оҳангга

Маҳалладошимиз Собиржон ака шу кунларда минг ойинг юзини кўрди. Болагимдан яхши танийдиган бу инсон билан бир тилга чой устида суҳбатлашиб ўтирарканман, “Катта дарё сокин оқади” деган мақол шундай азизларга нисбатан айтилган бўлса керак, деган ўй хаёлимга келди. Чунки бу инсон машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг эътиборига тушиб, ҳурматини қозонган, лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган, баъзиларга ўхшаб мақтаниб юрмайди ҳам...

Суҳбат асосида “Собиржон ака, ростдан ҳам Комилжон Отаниёзов сизни танирмидилар? Биринчи марта қачон кўришгансиз?” деб сўрадим.

— 1955 йил эди, — дея хикоясини бошлади ҳамсуҳбатим, — Бешёғочда яшайдиган сувочки уста — Абдулхай тоғамни йўқлаб борсам, келинкойм қўшиниқиди ишлаётганини айтди. У ерга кидириб борсам, қурилиш бўлаётган экан, салом-алиқдан сўнг тақлифни кутмаёқ энгимни шимариб ишга киришиб кетдим. Уч кун тоғамга қарашиб юрдим. Бино биттач, уй эгаси ишлаган ҳақимини бермоқчи бўлди. Мен астойдил эътироз билдириб, ҳашарга келдим, деб пулни олмадим. Хонадон бекаси кутлуг уйдан куруқ кетманг, деб қўярда-қўймай қўйлақ тутказиб юбор-

фарзанди экансан”, деб менга янада меҳрлари ошди.

Москвада бўлганимизда катта сахналардан ташкари завод-фабрикаларда ҳам концертлар берилди. Руслар Комилжон акага қойил қилиб, уни Шалаянинг тенглаштирганнинг гувоҳи бўлганман.

Комилжон ака салобатли, ке-

хижолатли ахволда хали тўйга тайёр эмасликларини билдирди. Устоз қулиб: “Мен ёнингизда турибман, қуда хола, тўйни беҳижолат бошлайверинг”, деб далда берди. Мўлжалларида уч-тўрт эшик нари қўшни киз бор экан, ўша ҳовлига ойимга Имсимой кеннойини қўшиб совчиликка юборди. У киз холаваччам бўлиб, мен каби отасиз ўсган эди. Кўнглимда унга нибатан қандайдир илиқлик бор бўлса ҳам қўлим калталигидан оғиз солишга ботина олмасдим. Кўп ўтмай совчилар ҳафсалалари пир бўлиб қайтиб келишди. Комилжон аканинг жажжлари чиқиб, кизининг онасини йўқлаттирди.

Хонтакта атрофида ўтиришаркан, устоз иккала томонга дилдаги гапларини айтиб, “Собиржон менинг ниним бўлади, кизингиз келиним, Худодохласа, уларда рўзгор ташвиши

вақтида ўқир, Куръон ўқиниш канда қилмасди. Араб, форс ва туркий тилларда араб имлосидаги қадимий китобларни ўқиб, таржима қила оларди. Кардош қўшни халқларнинг тилларини яхши биларди, Махтумқулнинг туркман

УСТОЗЛАР ҲАЁТИДАН

тилида завқланиб ўқир, лекин рус тилига йўқ эди.

Бирда беш-олтита қарияни уйга йиғиб, худойи қиладиган бўлдим. Ўша пайтларда маҳалламизда ўндан ортик мадраса қўрган мўйсифид домлалар бўларди. Энди биринчи таомни тартаётганимизда Комилжон ака кириб келиб, даврага қўшилди. Суҳбат асосида маҳалладошимиз Зуфар амаки китмирлик қилиб ечимни қийин

ҲОФИЗНИНГ ЧИЛОНЗОРАЛИК “ИНИСИ”



ли. Кейинроқ билсам, уй эгаси Комилжон Отаниёзов экан. Уй батамом биттунча, рўзгор ишларига қарашиб юрдим. Бу орада Комилжон ака билан қадридон бўлиб қолдик. Муносабатларимиз шу даражага бориб етдики, мени филармониянинг хўжалик бўлимига ишга киргизиб қўйди.

1959 йили Москвада ўтадиган декадага тайёргарлик кўриш учун ансамбль билан уч ой Урганчада бўлишимга тўғри келди. Урганча келганимизнинг иккинчи кунини Комилжон ака меҳмонхонадан мени уйларига олиб кетди. Оналари Анбар она қучоқ очиб қутиб олди. Юздан нур ёғиладиган, фаршталли момо билан ишдан бўш пайтларимда узок гаплашиб ўтирардик, кампир савоҳдон бўлиб, қўрган-кечирганларини бир бошдан айтиб берарди. Айниқса, хонлик даврида ўтган болалиги, турмуш ўртоғи Отаниёз Охунд — Ниёзийнинг олжанов инсон бўлгани, Комилжон аканинг болалик чоғларини жўшиб ҳикоя қилиб берарди. Бундан беш йил муқаддам мотоциклда чиқиб кетиб автохалокатда вафот этган тўнғичи Фозилжонни эслаб кўз ёш қиларди. Комилжон аканинг уй-жойи халқниқидан фарқ қилмасди. Бўш вақтларимда рўзгор ишларига қарашиб, ховлининг у ер-бу ерига қараб, тузатиб қўярдим. Афсуски, ўша кезлари Анбар она бандаликни бажо келтирди. Уч-тўрт киши қабристонда тунаб, то тонггача пишиқ гишдан сағана қуриб, ичларини суваб битказдик. Дафидан сўнг Комилжон ака бағриларига босиб, “Онамнинг хақиқий

лишган инсон эди. Салобатлари босганидан ҳеч қачон у кишининг мўътабар юзларига тик қараган эмасман, ортикча гапирмасдим. Устоз кўпроқ эл хизматида ёки узок гастроль сафарларига бўлганлари сабабли уй ишларига қарашга ўлгурмасди. Шунда Имсимой кеннойининг беминнат дастёри бўлардим.

Мехмон — атоийн Худо

Бирда Комилжон устознинг ховлиларида эдим. Шомга яқин Имсимой келинкойи ош сузиб, дастурхонга тақлиф этди. Комилжон ака қўлларини энди ошга узатганда ташқаридан эркак кишининг овози келди.

— Собиржон, қара-чи, ким экан, — деди. Чиксам, ўрта ёшлардаги, соч-соқоли ўсиб кетган, елкасига хуржун осиб олган тиланчи экан.

— Чақир, кирсин, — деди устоз.

Уни ошга тақлиф этди. Тиланчи тап тортмай устознинг ёнларига ўтириб ошай кетди. Кўнглим ғаш бўлиб, ғалати қараш қилиб қўйган эдим, устоз, “Мехмон — атоийн Худо, қани, тортинмай олаверинглар”, деб менга жилмайиб қўйди.

Уйланиш

Қунарнинг бирда устоз ёшимни сўраб қолди. Йигирма олтида эканимни эшитиб, “Уйланидиган вақтинг келибди-ку, эртага қуда холам бизниқига келинлар”, деди жилмайиб. Устоз ойимларга нимагадир тошкентчасига “қуда хола”, деб мурожаат қиларди. Эртасига ойим билан айтилган пайтда устозниқига келдик. Комилжон ака тўй ҳақида сўз очган эди, ойим

бўлмайди”, деб кизининг онасига ва онамга беш юз сўмдан пул тутказди. Пулнинг бу микдори ўша пайтлар учун жуда катта қийматни ташкил этарди. Хуллас, тўй бўладиган бўлди. Тўй кунини келин останада кириб келатганида жойи жаннатда бўлгур Комилжон устоз қўлларига соз билан тўйимизга атаб ёзган ғазалларини қўшиқ қилиб айтди. Тўйнинг бошидан охиригача оталарча ғамхўрлик қилиб, анча пайтгача уйимиздан кетмай хизмат қилди. Умрларининг охиригача қўллаб-қувватлаб, ҳолимиздан хабар олиб турди.

Оқ шафтоли

Ховлимизнинг этагидида ариқ лабидида уч туп оқ шафтоли бўларди. Ўзи гуллаб, ўзи пишиб, ким узиб еса, бўлмаса тагига тўкилиб ётарди. Онам бир хафсала қилиб қолса, шафтолиларини ўртасидан бўлиб қоқи қилад қўярди. Комилжон ака илк марта ховлимизга келганида ховдини айланиб, шафтолиларга қўзлари тушган, хурсанд бўлиб кетди. Жойида туриб уч-тўртта шафтолининг пўстини аричиб ер экан, қўзларидан қанчалик роҳатланганини кўриб яйраб кетдим. Шу-шу Комилжон ака шафтоли пишиғида ховлимизга камида уч-тўрт марта келишни қанда қилмасди. Онам: “Бу Комилжон аканинг шафтолиси”, деб дарахтни авайларди. У кишининг ишлари қўпайиб, узок вақт келолмаган кезлари онам челака шафтоли тўлдириб, устини дока билан ўраб, устознинг уйига мендан бериб юборарди.

Уламо

— Комилжон устоз бағрикенг, ҳеч қимдан ёрдамни аямайдиган буюқ қалб соҳиб эди. Ўзгаларнинг муваффақиятидан шодлана оларди, дуо қиларди. Афсуски, у кишига ҳава-саб қиладиганлар йўқ эмасди. Шундай пайтларда ўзларига Оллоҳдан сабр, рақибларига инсоф сўрарди. Гоҳи пайтлари ёлғизлиқни истаб қолса, ҳеч қимга билдирмай, бизниқига кириб келарди. Шароитлар ҳолатидек эмас, кундуз қунарлари деразага чойшаб тутиб қоронғи хонада ёлғиз ётиб, узлагга чекинард.

Устоз муфтий Эшон Бобохон ҳазратлари билан ота-бола тутишганди. Бир-бирларининг ҳол-ахволларидан тез-тез хабар олиб туришарди. Комилжон ака кўп мутлоа қилар, беш вақт намозни имкон қадар ўз

диний мавзуда сўз очиб қолди. Бу масалага ҳар қим билганича жавоб берди. Тортишув бошланиб кетди. Комилжон ака гапга аралашмай диққат билан қулоқ солиб ўтирди, ҳамма гапириб бўлгандан сўнг, катталардан изи сўраб, масаланинг ечимини аниқ-тиниқ қилиб тушутириб берди. Жавобдан ҳамма қўнқиб қўлиб қўлиб, тан беришди. Раҳматли Зуфар амаки қанча пайтгача давраларда: “Домлаларингни ҳаммаси Комилжон аканинг олдида ўтаверсин”, деб юрди.

Хурмат

Онам бетиб бўлиб қолганида Комилжон ака ва Имсимой кеннойи имкон қадар тез-тез хабар олиб туришарди. Бирда уларни катта қўчага яёв кузатиб қўйдим. У пайтларда автомашиналар кам, катта қўчани қангитиб унда-бунда бир автомашина ўтарди. Қўчанинг бошида маҳалламизнинг олди ёлғизларидан бири бўлган Шомаруф ака савлат тўкиб турган экан. У киши Комилжон ака билан тенгқур, шаҳарда машҳур катта ошпаз, чорвачилиқни яхши тушунадиган, ишқивозликка уйида бир неча серсует зотдор қорамол ва қорабайир отлар боқарди. Гапга чечан, унча-мунча одамни назари илмайдиган киши Комилжон акани кўриб шошиб қолди. Иккала қўлни қўқсига қўйиб салом берди-да: “Комилжон ака, маҳалламизга келиб қобсиз, бизникидан бир тилга чой ичиб кетсангиз, бошим осмонга етарди”, деди. “Илтифотингиз учун катта раҳмат. Кетмасак бўлмайди”, — деди Комилжон ака. Шомаруф ака ялинишда давом этди. Шунда устоз “Собиржонниқига кейинги гал келганда қирармиз”, деб жавоб берди. Шомаруф ака, “Мен хозир”, деб шошиб қўқсига кириб кетди. Кўп ўтмай, қўшниси-нинг ўғли билан “Победа” машинасида чиқиб келди. Машинадан тушиб Комилжон ака ва кеннойини ўтказиб, кузатиб қўйди. Улар кетгач, “Собиржон, сенга ҳавасим келади. Комилжон Отаниёзовдек одам билан салом-алиқ қилиб юрсанг-а, сендан бахтли одам бормикин дунёда”, деб мени бағрига босиб қўйди.

Омонуллох МУТАЛ

ТЕАТР: ОДДИЙДАН МУРАККАБГА

Ёш авлоднинг маънавиятини юксалтиришда театр санъати салмоқли ўрин тутади. Аввало, болалар театрининг ўрни алоҳидалигини таъкидлаш жоиз. Масалан, қўғирчоқ театри залида ўтирган митти томоша-бин экан-дими билан сахнадан кўз узмай, бу жараёнда баробар иштирок этади. Бола — бегубор қалб эгаси. Сахнада шодиёна юз берса, қувониб яйрайди, зулм-жаҳолат рўй берса қўрқади, ҳаттоки ийғалайди. Болалар учун шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда драматик асарлар ёзиш ва сахналаштириш керак, токи боланинг нозик руҳиятига шикаст етмасин.

Болалар томошасида кўрқинчли қўғирчоқлар ва киёфалар имкон қадар камкор кўриниши ва салбий қаҳрамонлар қулғили тарзда махв этилиши лозим. Ҳатто чақалоқ ҳам ёқимли куй ва қўшиқ тинглашга мойил бўлади. Болалар спектаклига иложи борица содда ва нафис мусикаларни танлаб, пастроқ товушда қўйиш керак. Диалоглар адабий тилда, содда сўзлар воситасида тузилса, ёш томошабиннинг нутқи ўсишига қўмак беради.

Болалар театрининг яна бир фойдали жиҳати шундаки, бундай томошалар давомиди боланинг онг-шуури кенгайиб, тенгдошлари билан фикр алмашишга ўрганади. Кичик ёшдаликда жамиятда яшаш, ўзини тўғри тутга билиш тартиб-қоидаларини ўзлаштириш бошлайди. Баъзи болалар табиятан одамови ёки инжик бўлиб, томоша залида узок ўтиролмайди. Уларни ташқарига олиб чиқиб, тинчлантириб, томошага қизиқтириб залга олиб кириш керак. Қизиқарли томошани қабул қила олмаётган болада руҳий ёки жисмоний етишмовчилик юз берган бўлиши аниқ. Чунки кун сайин ҳар томонлама ўсиб бораётган митти инсон тўхтовсиз ахборот қабул қилиш жараёнида яшайди.

Аслида, ҳар бир бола образли фикрловчи, чекланмаган фантазия, ноёб истеъдод ва иқтидор эгаси. Бола дилида театр томошасига қизиқиши ўз-ўзидан сўнамайди, аксинча, йиллар давомидида устозлар ва ота-оналарнинг локалдиклиги боис сўниб боради. “Менга роль ўйнама! Томоша кўрсатма! Нима бало, артистмисан! Тўхтат театрингни! Қўрган нарсаларинг шунчаки томоша! Бунинг эсиндан чиқар!” қабилдаги даққилар кичик томошабин раъийини қайтарди. Бу бола онгда кечаётган образли фикрлаш жараёнининг завқ-шавқини сўндирди.

Кеке — педагоглар — ёшларнинг қўғирчоқларида мактаб ва олий ўқув юртиларида драматик



тўғараклар ташкил қилиб, спектаклларда роллар ўйнаганини хотирлаб, шундай тақлиф қиладилар: ўқув даргоҳларида драма тўғараклари қайта жонланса, бу хайрли тақлиф таълим вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланса, нур устига нур бўлади. Бу ишга драматургларни ҳам жалб қилиш керак. Ёшлар учун ватанпарварлик, илмсеварлик, одоб-ахлоқ мавзуларида содда, дидактик асарлар яратилса, ўқувчилар жон деб ўйнашди ва томоша қилишди. Мухими, ўқувчининг маънавий ва илмий салоҳияти ўсиб, дили ва тили баробар ривожланиди. Тарих ва алабёт дарсларида ўтиладиган қаҳрамонлар сиймоларига қизиқишлари ортади. Мактаб дастурига кирган эртақ ва афсоналарни жонли ижрода кўриб, фикр доираси кенгайди. Ўқувчини драматик тўғараклар воситасида тарбия-

ро, бола чоғида томоша залида ўтирмаган, жонли асар кўриб-қўрмаган киши театрни қандай тушуниш. Мактаб партасидаёқ маънавий тарбия олиб, сахнадаги ҳаваскорлар ўйинидан завқланган, ўзи хис-ҳаяжон билан роль ўйнаб ўсган авлод, улғайган чоғида ҳам ўша завқ шавқни қўқсайди. Ана шу соғинч таъсирида катта театрининг томоша залига кириб келади. У энди болаларча фантазиялар қанотида учмайди, балки ватан ва миллат, қурулган замин ва инсон ҳақида мулоҳаза қилиб, чуқур ўйга чўмади. Чунки у — болаликданёқ маънавият бўлогидан сув ичган, ахлоқ-одоб дарсини пухта ўрганган баркамол инсон. Оддийдан мураккабга қадар йўл босиб, мақсад манзилга етиб келган йўловчи.

Нурилло АББОСХОН

Ёш авлоднинг тарбиялашда, дунёқарашини бойитиш, санъатга бўлган қизиқишларини оширишда мусиканинг ва мусика намояндаларининг хизмати катта. Шу маънода, болалар қўшиқчилиги, “Булбулча” ашула ва ракс ансамбли деганда, кўз олдимизда устоз санъаткор Шермат Ёрматов сиймоси гавдаланади.

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, “Соғлом авлод” ва “Фидокорона меҳнатлари учун” орденлари соҳиб, мохир дирижёр ва бастакор Шермат Ёрматов болалар қўшиқчилиги соҳасида катта ютуқларга эришиб келатган ижодкорлардан. Бастакорнинг “Қор ёғар”, “Қари чумчук чакимчи”, “Ялпиз”, “Дорбоз”, “Салом, мактаб”, “Она тупроқ”, “Соғлом авлод қўшиғи”, “Даламларга ўхшасан”, “Темир-терсақ”, “Ўйнадик, ҳеч тўймадик”, “Икки қўймағ, ўқитувчим”, “Ўн бештамаз беш олдиқ”, “Сумалақ”, “Той бола” каби қўллаб қўшиқлари ва хор асар-

лари, “Читти гул” ва “Бу гулшан соз экан” вокал-хореографик сюиталари, “Ассалом, ҳаёт” кантатаси ёшларини рағбатлантиришга асарларига айланган, қўшиқлар тўпламлари ва умумтаълим мактабларининг “Мусика” дарсликларидан ўрин олган.

Ш.Ёрматов умрини баркамол ёш авлод тарбиясига бағишлаган фидойи ижодкорлардан бири. Олтин йилдирки, истеъдодли ёшларни кашф қилишда, уларнинг мусика ва раксга қизиқишларини оширишда, қўллаб-қувватлашда беназир хисса қўшиб келмоқда. Устоз узок йиллар мобайнида олий ва ўрта таълим муассасаларида педагог, “Булбулча” болалар ашула ва ракс ансамбли раҳбари лавозимларида фаолият олиб бориб, қўллаб-қувватлаб етиштирди. Мазкур жамоа концерт дастурлари билан Россия, Югославия, Финляндия, Туркия, Украина, МДХ давлатлари бўй-

БОЛАЖОНЛАР УСТОЗИ

лаб ижодий сафарларда бўлиб, халқаро танлов ва фестивалларда катнашиб, болалар қўшиқчилиги санъатини юко-

ри поғоналарга кўтаришга муносиб хисса қўшди.

Ярим асрдан ортик давр мобайни-



да “Булбулча” болалар ашула ва ракс ансамблига келган минглаб болажонлар орасидан мусика соҳасида фаолият олиб бораётган қўллаб ижодкорлар етишиб чиқди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Севара Назархон, Дилфуза Раҳимова, Илхом Фармонов, “Сарбон” гуруҳи солисти Фарход Саидов ва бошқа қўллаб таниқли хонандалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда устоз ўғитини ва дуосини олган истеъдодли шогирдлари Саодат Музаффарова “Севинч”, Фотима ва Зухра Зиёмухамедовлар “Тантана”, Гулнора Қўчқорова “Ором” болалар ансамбллари раҳбари сифатида фаолият юритиб, устозлари ишини давом эттирмоқдалар. Ўзбекистон композиторларининг жамоа ижросидаги болалар қўшиқларида бир неча авлод вақиллари тарбияланди. Бугунги кунда ҳам Шермат ака шижоатини йўқотмаган ҳолда, жамоани янада ривожлантириш устида тинмай меҳнат қилиб келмоқда.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Шу кунларда Шермат Ёрматовнинг муборак 80 ёшини ҳамда 60 йиллик ижодий фаолиятини муносиб нишонлашга тайёргарлик ишлари кетаяпти. Устоз ҳақидаги монография нашр юзини кўриш арафасида. Мазкур китоб ижодкорнинг қизлари Гулбаҳор Мансурова, неваралари Гулшана Худойназарова ҳамда Ўқтамжон Шокаримов томонидан тайёрланган, унда санъаткорнинг ҳаёт ва ижод йўли кенг қамраб олинган.

Устозимиз Шермат Ёрматовга суюқли фарзандлари, нева ва эваралари бағрида соғ-саломат бўлиб, ўз фарзандларидай суйган юртимизнинг барча болажонларини янги-янги қўшиқ-қуйлари билан қувонтириб юришларини тилаб қолаймиз.

Мухайё НАБИЕВА

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ — БУНЁДКОР КУЧ

Кўна маданият бешиги бўлган, ЮНЕСКО томонидан Халқаро Хунармандчилик шайхри деб эътироф этилган Хўқанди Латифда Халқаро Хунармандчилик фестивалининг очилиш тантаналари ўтаётган тарихий лаҳзалар. Дунёнинг етмиши саккиз мамлакатидан таширф буюрган барча иштирокчиларнинг нигоҳи Худойрхон ўрдасининг бош майдонидаги саҳнада. Мумтоз оҳангу газалининг илоҳий қудрати, малакалар сувартидаги раққослар хироми сеҳридан юраклар сармаст, сел бўлган пайт.

Саҳнанинг икки тарафидан ўн-ўн беш чоғлик оппоқ яхтак, Кўкон, Марғилон нухса дўппи кийган уста йиғитлар қўлларидан пойтеша, арралар билан кириб келдилар. Саҳнанинг икки четидан баравар тикланаётган икки нақшкор айвон қурилишига Ўзбекистон халқ устаси Мухаммадали Юнусов оқ фотиҳа берди. Иштирокчиларнинг кўзларидаги ажабсиниш ва ҳайронлик дақиқалар ўтган сайин хайратга йўғрилади борди. Аввал нақшкор устунлар бирин-кетин тикланиб, пойтеша, арраларнинг товуши, “ха, баракалла”, “ха бўл”, “кам бўлма”, каби олқишлар кўшиқ-куйга ҳамоҳанг жаранглаб турди. Бошига оқ чит дурра боғлаган бош уста Мухаммадали ака ҳар дақиқа шогирдларига кўрсатма, маслаҳатлар берар, ишнинг мукамаллигини кузатар, унинг ҳаяжони, ҳавотири, офтоб қорайтирган юзларидан оқаётган маржон-маржон терлар куёш нурларида ялтираб кўринарди. Ёш устalar иккита 8 тадан ўн олти устунли, 3мх 12м ҳажмдаги Кўкон-Фарғона услубидаги айвонларни қайрагочдан қилинган чўлмилар билан тиклашга муваффақ бўлдилар. Уларнинг маҳорати, чакконлигини минглаб хайратомуз нигоҳлар кузатиб турди. Ниҳоят, бир вақтнинг ўзида барчанинг кўз ўнгига иккита мўъжизакор, гўзал айвон жуда қисқа — 45 дақиқада мукамал санъат асари даражасида бекиёс маҳорат билан тикланди. Устalar ишларини ниҳоясига етказишиб, айвон томондан ерга бир-бир сакраб тушишар экан ёғилган гулдурас қарсақлар ранг-баранг, кўзни қамаштирувчи, кўнгилларга байрамона шукку солган сониз мушакларнинг сандоларига жўровоз бўлди.

Фестивал якунида халқаро нуфузли хайбат халқ устаси Мухаммадали Юнусовнинг нодир асарини халқ амалий санъати, хунармандчиликнинг бебаҳо намунаси сифатида биринчи ўринга муносиб деб топди. Ўнлаб хорижий мамлакатлардан таширф буюрган мохир хунармандлар тантаналар сўнгига ўзбек миллий хунармандчилигининг мумтоз намунасини ўз қўллари билан

ушлаб, хайратларини яширолмадилар. Халқаро фестивалининг етти минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофоти ва кимматбаҳо совғани топширган хайбат раиси халқ устасига чин дилдан ташаккур билдирди. Бу ўзбек халқининг ижодкорлик, яратувчилик қудратига берилган юксак баҳо эди.

— Афсус, отам бу кунларни кўрмай ўлиб кетди, — дейди халқ устаси Мухаммадали Юнусов кўзларига ёш қалқиб. Бу беназир ўймакорлик санъатини оиламизнинг беш сулоласи давом эттириб келяпти. Бу ноёб касбга муҳаббат кетинанг кон-конимга сингиб кетган. Қолаверса, бешикда ёт-



ган пайтимдан теша ва арраларнинг сеҳрли товушлари аллаларга қўшилиб, мурғак кўнглимга сингган. Болаликда ўйинчоқларимиз ҳам теша, арра бўлган. Минг афсуски, мустақилликкача бу касбнинг нонини ейишга ҳамма устанинг ҳам журъати, жасорати, тоқати етмаган. Ўша пайтда бу каби ободлик, хунармандчиликка эътибор қармак эди. Отам шогирдлари билан рухсат берилмаса ҳам, яширинча фақат масжидларнинг таъмири, кўшимча биноларида ўймакорлик ишларини бажарган. Кўп эслайман, неча марта ички ишлардан, маҳалладан, солиқ идорасидан уйимизга келиб отамга кўп бор тахил-пўписа қилиб кетганларини. Ўзбек оналари тиккан дўппи, тўн, қийиларини бозорда худди ўғирлагандай яшириб сотганлари, кўпинча солиқчилар ушлаб олиб, тортиб олиб қўйганла-

рида уларнинг аччиқ кўз ёшларига ҳам гувоҳ бўлганман. Шундай оғир, зиддиятчи замонда ҳам отам Юнусов юрагимиздаги шу касбга бўлган иштиқни сўндирмай, аксинча аланга олдиранг. Ўймакорлик халқимизнинг Нух алай-хисаломдан бошлаб ўлмай келаётган гавҳар санъати. Ҳозир ўйлаб кўрсам бу тақиқларнинг сабаби бу бекиёс дурдоналарни халққа кўз-кўлашимиздан, халқнинг озоликка бўлган туйғуларини уйғониб кетишидан шўролар бениҳоя кўркан экан.

— Кун келиб мен ўтсам бу ҳазинани тупроққа олиб кетмай. Сен бу хунарнинг сир-асорини яхшилаб, пухта ўрғанавер. Хунаримиз бутун керак бўлмаसा ҳам, ишончим бор, эртага албатта,

раттоҳи, Ҳазрати Хизр қабристонидagi Ислон Каримов макбарасида тикланган айвон ва пештоқлар халқ устаси Мухаммадали аканинг юртга садақоти, элга муҳаббати тим-солида чизилган нақшлар, захматли, оғир меҳнати жаҳохиротлари, мўъжизакор санъати намуналарини.

Хўқанди Латифда подшоҳ Амир Умархон томонидан қурдирилган Жоме масжидига кадам босганингизда юрагингиз титроққа тушади. Масжид 1816-1817 йилларда ўша даврнинг йирик меъмори ва шоир Мулло Худойрхон Истафшаний Махвий бошчилигида қурил-

маҳорати, ўзига хос услуби, бетакрор ишлари тасаннолар айтасиз.



мукамал ўрғанмоқдалар. Мактабда шогирдларнинг хунармандчилик сирларини ўрганиши, овқатланиши, ётоқхонаси ҳам муҳайё қилинган. Мухаммадали аканинг энг ёш шогирди Шоислом (14 ёш)нинг истеъдоди, хунармандчиликка бўлган муҳаббатини кўриб, юраги тўқчиланади. Набиралари Шукрулло, Ҳамидулла сулоланинг ёш, умидли давомчилари.

Халқ устаси 65 ёшни қаршилаётган бўлишига қарамай ёшлардек ши-жоатли, ғайратли, белни маҳкам боғлаб вилоятга

НОДИР САНЪАТ АКАДЕМИГИ

кадрга етувчи чиқади, — дегандилар. Отам ўшанда башорат қилган эканлар. Отам мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ хунармандлар солиқдан озод этилганда, кўзларига ёш қалқиб, мустақиллик халқимизнинг эмас, ота-боболаримизнинг ўлмас хунарларини ҳам бандиликдан, зулмдан озод қилди, — деб суюнгандилар.

Ўзбекистон Хунармандлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ амалий санъати академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси Мухаммадали Юнусов томонидан яратилган миллий ўймакорликнинг гўзал дурдоналари қўп-лаб хорижий мамлакатлар ҳамда юртимизнинг масжид, мадрасалари, зиёратгоҳлари, элчихоналарида халқ яратувчилик қудратини кўз-кўлаб турибди. Булар сирасига Хитой давлатида қурилган Ўзбекистон элчихонаси, Украинадаги Ўзбекистон элчихонаси, Имом Бухорий мажмуаси, Тошкентдаги Алишер Навоий боғидаги халқ амалий санъати галереяси, Ҳазрати Имом масжиди, Юнусовбоғдаги Қатагон қурбонлари музейи, Сирдарё вилоятидаги вилоят ҳокимлиги кабулхонаси, Алишер Навоий хидёнида, Кўкон шаҳар Жоме масжиди, Самарқанддаги Ҳазрати имом Дониёр зиё-

ган. Масжидни 98 та исломий нақшлар билан безатилган устунлар кўтариб туради. Бунда қад кўтарган ҳар бир нақшкор устунлар гўё Қуръон тиловат қилиб тургандай. Қадамнинг тасидан уйғониб кетган ўймакор нақшу нигорлар қадим тарихимиздан ривоят хикоятлар сўйлайди. Уста Мухаммадали ака бу мажмуага яна 21 та нақшкор устун тиклади. Бу ерда қадим ўтмиш билан келажак топишади, йиғлаб-йиғлаб, соғинч билан топишади. Тарихга қўйилган улғувор ҳайкалдай қад кўтарган устунлар қарама-қаршида янгидан тикланган санъат асарлари бугунги озолик, ободлик, дорилмонлик мадҳини қўйлайди. Хар бир ўйма нақшлар нафосати, сеҳрли гуллар қошида хайратангиз нигоҳ билан туриб қоласиз, юрагингиз титроққа тушади. Инсон кўли, бармоқлари яратган мўъжиза сизни сеҳрлаб қўяди. Бу сеҳрли, нафис, хайратомуз гўзаллик катидан буюқ қадқин оруз-умидлари, соғинч изтироблари, ишқу муҳаббати, сабру қаноати булоқдай оқиб чиқаваради. Бирдан қалбингиз торлари чертилиб кетади, кўнглингиз булбулдай сайрай бошлайди. Чанқок, ташна қалбингиз руҳий сарчашмалар денгизига сузади. Бу гўзалликларни яратган ҳазрати инсон қаршисида бош эгиб таъзим қиласиз. Юзлаб мажмуаларда халқнинг улғулиги, донишмандлиги, бадий тафаккурига хайкал қўйган устанинг

— 2007 йилнинг апрель ойига тарихий воқеалар муҳрланган, — хотирлайди уста. — Ҳасати Имом масжидида ўймакорлик ишларини ниҳоясига етказётган кунларимиз. Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ўша пайтда бош вазир вазифасида эди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган устalar ишнинг сифати, уларнинг шароитидан тез-тез хабар олиб турардилар. Шу кунни улар мажмуага келиб, мутахассислар билан узоқ айландилар. Ишнинг кўнглини тўлдир, шекли, олдимизга келиб қўлимни маҳкам сиқиб, раҳмат айтдилар. Кейин мутасалли раҳбарларга қарата:

— Нега уста Мухаммадали аканинг бу ноёб ишларини мукофотга тавсия этмайсизлар? Бу бебаҳо санъат асарларини яратишнинг ўзи бўладими? Сўнг менга юзландилар:

— Сиз бугундан бошлаб Ўзбекистон халқ устасисиз. Бу унвонга чинакам лойиқсиз! — дедилар. Ҳамма қарас қалиб юборди. Юртбошимиз кетдилару мен қутилмаган эътирофдан ўзимга келолмасдим. Гўё туш кўраётгандек эдим. Мустақилликимизнинг 16 йиллиги арафасида Биринчи Президентимиз Шавкат Миромоновичнинг юксак эътирофларини фармон билан имзоладилар. Мен Ўзбекистон халқ устаси деган унвонга мушарраф бўлдим.

Уста туғилган Фуқрат туманига қирраверишда сулоланинг ўлмас дурдоналаридан ҳикоя қилувчи музей обидасига қўйилди. Бино пештоқида “Уста Юсуфхон нақшо оилавий қорхонаси ва шогирдлар мактаби” деб ёзиб қўйилган. Бугунги кунда мажмуа мактабда 120 нафардан зиёд мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар ўймакорлик санъати сирларини

вилоят ўймакорлик санъатининг доруғини дoston қилишдан толмайди.

— Миллий ўймакорликнинг Кўкон, Фарғона услуби бошқа мактаблардан нақшнинг қалинлиги, чуқурлиги, тўқ ранглари билан, Тошкент услуби эса ёрқин ранглари, нафислиги билан, Самарқанд услуби табақалардоз, юмалоқлиги билан фарқ қилади. Лекин халқ амалий санъатининг барча мактаблари яратган исломий нақшу нигорлар халқнинг битмас-туганмас бебаҳо бойлиги, гурур, ифтихоридир. Халқ амалий санъати мамлакатни жаҳонга танитадиган ноёб мўъжиза. Президентимиз унинг келажиги учун истикбол эшикларини катта очиб қўйдилар, — дейди уста фахр билан.

Мухтарам Президентимиз Халқаро Хунармандчилик фестивали муносабати билан Кўкон шаҳрига қилган таширфлари жараёнида бир гуруҳ зиёлилар билан ҳам учрашдилар.

— Биз буюқ давлатимиз пойдеворини ҳалоллик, поклик, эзгуликдан тиклайлик, токи ундан Ўзбекининг хиди келиб турсин. Шундай гишлар қўйликки, токи унинг бирор гишти суғуриб олинмасин, — дедилар юртбошимиз суҳбатда. Шу билан бирга мухтарам юртбошимиз Халқаро фестивалининг очилиш тантанасида қилган маърузаларида буюқ мутафаккир Баҳодур Нақшбанд бобомизнинг ушбу хикматларини келтириб ўтидилар: “Хунар шундай тулпорки, унга минган киши албатта, ҳурмат ва эътибор топмай ва саодат манзилига етмай”.

Дарҳақиқат, эртанги буюқ саодат манзили, тараккиёт йўли дунё тамаддунига эшик очган буюқ халқимизнинг ижодкорлик, яратувчилик сарчашмалари аро ўтгай.

Энахон СИДИКОВА

ЯНГИ НАШР

МУСИҚА ҲАҚИДА КИТОБ

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмасида таниқли музикашунос, профессор Наталья Янов-Яновскаянинг “Музыка” нашриётида чоп этилган китоби тақдими бўлиб ўтди. “Теория интертекста в её проекции на восточную музыку” деб номланган ушбу китоб тақдими “Давр садолари” фестивали доирасида ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Уюшма раиси Рустам Абдуллаев китобнинг аҳамияти ва муаллиф шахси ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди: “Наталья Соломоновна икки марта “Йил аёли”, музика бўйича энг яхши танқидчи сифатида эътироф этилган. Ўзбекистонда ва чет элларда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманларнинг фаол катнашчиси. Ушбу янги китоб фақат профессионаллар эмас, балки музика дунёсига эндиликка қадам қўйган ёшлар учун ҳам фойдали, деб ўйлайман”.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Оруз Ашурова тақриз остида чоп этилган монографияни тақдирот иштирокчилари илиқ қутиб олишди. Тадбирда сўз олган муаллиф ушбу китобни чоп этишда ёрдамчи аймаган Маданият вазирлиги раҳбариятига, Композиторлар ва бастакорлар уюшмасига миннатдорлик билдирди.

Ф.ФАХРУТДИНОВА

ХОТИРА КЕЧАСИ

“Давр садолари — IV” Республика музика фестивали доирасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамкорлигида устоз санъаткор, мохир созанда, профессор Феоктист Никифорович Васильев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Устозга таъзим” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ф.Васильев Ўзбекистонда кашкар рубоби бўйича мутахассислар тайёрлаш мактабининг мустаҳкам пойдеворини қурган, десак муболага бўлмайди. У Консерваторияда ўқиш, филармонияда ишлаш билан бирга, 1950-йиллардан бошлаб Тошкент давлат консерваториясида миллий чолғуларимиздан кашкар рубоби, дутор, танбур ихтисосликлари бўйича ўқув машғулотларини ўтган. Шунингдек, педагогик фаолият билан баробар илмий изланишлар ҳам олиб борган. Тадқиқотлари натижаси ўларок мақолалар, ўқув қўлланма, дарсликлар яратган. Ф.Васильев Республикада кашкар рубоби бўйича қатта мактаб яратиб, юзлаб шогирдлар тарбиялади. Тадбирда устознинг шогирди, мохир созанда Тохир Ражабий кашкар рубобида ижро этган “Кўрмадим” (Дони Зокиров музикаси) куйи йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, доцент Ҳикмат Ражабов раҳбарлигидаги институт “Чолғу ижрочилиги” кафедраси халқ чолғулари камер оркестри ижросида Ўзбекистон ва

жаҳон композиторлари асарларидан иборат концерт дастури намойиш этилди. Концертда республика ва халқаро танловлар лауреатлари М.Олимов, Н.Абдумажидова, И.Рўзимуродов, Ж.Ражабов, Н.Раҳмонбердиева, Д.Каримов, Ў.Оллоберганов ижролари томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Айниқса, Ф.Васильев мерос қолдирган



82 йиллик кашкар рубобида Ҳикмат Ражабов ижро этган “Сурнай навоси” асарини ўтмиш хотираларини ёдига солди. Мазкур хотира кечаси ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, уларда юртга садоқат, устозларга ҳурмат туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Лутфия МИРЗАЕВА,

“Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази раҳбари

Танлов эълон қилинади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 январдаги йиғилишида қўзда тутилган чора-тадбирлар ижросини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда ёш ижодкорларнинг юртга садақотини, бадий ижодаги иқтидорини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ижодий ишлар танлови ўтказилади.

1. Публицистика (Энг долзарб ижтимоий ҳодисани ақс эттирган мақола).
2. Назм (Юрт мадҳини улуғлаган шеърин асар).
3. Наср (Ўзбекистоннинг кечаси ва бугуни ақс этган ҳикоя).

Танловда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижодкорлар иштирок этишлари мумкин. Ҳужжатлар: ариза, паспорт нусхаси, иккитадан олтигача бўлган ижодий ишлар матни. Ижодий ишлар жорий йилнинг 5 ноябрга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ёшлар бўлимига (худоудларда 2 ноябрга қадар Ёзувчилар уюшмаси худудий бўлимига) топширилиши лозим. Ҳужжатларга энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорда пул мукофоти берилади. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига эсдалик совғалари топширилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, Адиллар хиббони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. e-mail: badiiy-badfiy-adabiyot@mail.ru. Телефонлар: (71) 231-23-46, (99) 898-30-34.

Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовга укаси Тўлқин АЗИЗОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.



Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Маъсул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5606. Бузуртма Г - 1155.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топшириш - 20.00.
ISSN 2313-634X
4 772 163 63 000

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-58-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60